



# ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ**  
**ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ**  
**ЮРИДИК КАДРЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БЎЙИЧА**  
**ПРОФЕССИОНАЛ ЎҚИТИШ МАРКАЗИ**

## **ЮРИСПРУДЕНЦИЯ**

қайта тайёрлаш ва малака ошириш  
йўналиши

**“МАЪМУРИЙ–ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАР”**

модули бўйича

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й   М А Ж М У А**

Тошкент – 2020

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчилар:**

- Д.Артиков – ТДЮУ Маъмурий ва молия ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси
- Ф.Махмудов – ТДЮУ ҳузуридаги Профессинал ўқитиш маркази директори ўринбосари

**Такризчилар:**

- Б.Умаров – ТДЮУ Маъмурий ва молия ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси
- Б.Нариманов – ТДЮУ Конституциявий ҳуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси

*Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат юридик университети кенгашининг 2020 йил \_\_\_\_ \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_-сонли қарори билан наишрга тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА:**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР</b> .....	4
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ</b> .....	12
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР</b> .....	21
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ</b> .....	63
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ</b> .....	69
<b>VI. ГЛОССАРИЙ</b> .....	83
<b>VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b> .....	88
<b>VIII. ТАҚРИЗЛАР</b> .....	92

## **I. ИШЧИ ДАСТУР**

### **КИРИШ**

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4732-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ–5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5847-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3151-сон, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

### **Модулнинг мақсад ва вазифалари**

Тингловчиларда маъмурий ҳуқуқ нормаларини қўллаш соҳасида назарий билимлар ва амалий кўникмаларни шакллантириш. Шунингдек, маъмурий ҳуқуқни долзарб муаммолар доирасида фанни ўқитишнинг замонавий ёндашувлари бўйича кўникмаларни шакллантириш, муаммоли вазиятларга нисбатан қонунчиликни излаш ва қўллаш кўникмаларини шакллантириш, мантиқий саволларга ҳуқуқий асосланган жавоб бериш кўникмасини шакллантириш ҳамда мустақил таълим орқали

тингловчига билимларни мустақил ўзлаштиришга кўмаклашиш модулнинг мақсад ва вазифаларини ташкил этади.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Маъмурий-ҳуқуқий фанлар” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

### **Тингловчи:**

- маъмурий ҳуқуқнинг хусусиятларини тўғри англаш, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислохотлар концепцияси, маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчилик ва жамиятда бўлаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларни конституцион ва маъмурий қонунчилик билан боғлай олиш, қўллаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини билиши керак.

### **Тингловчи:**

- маъмурий ҳуқуқ муаммоларга доир назарий саволлар ва кейслар тузиш;

- маъмурий ҳуқуқ соҳасига доир илмий изланишлар ҳақида маълумотга бўлиш;

- маъмурий ҳуқуқ соҳасига доир қонунчиликни амалиётда қўллаш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш;

- маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчиликни қўллаш;

- маъмурий юстиция қонунчилигини таҳлил қила олиш;

- маъмурий ҳужжатларни шакллантира олиш;

- маъмурий ҳуқуқ муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш, баҳолаш ва умумлаштириш малакаларига эга бўлиши зарур.

### **Тингловчи:**

- ҳуқуқни қўллаш амалиётига, ўқув жараёнига илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этиш;

- талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, ҳуқуқий, сиёсий маданиятини ва ҳуқуқий онгини ошириш, уларда ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш;

- давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш компетенцияларини эгаллаши лозим.

## **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Маъмурий-ҳуқуқий фанлар” модули маъруза, амалий ва кўчма машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедия ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, аклий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Маъмурий-ҳуқуқий фанлар” модули ўқув режадаги “Фуқаролик - ҳуқуқий фанлар”, “Жиноят одил судловининг асослари” каби модуллар билан ўзаро боғлиқ ҳамда услубий жиҳатдан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар маъмурий ҳуқуқ муаммоларини аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Умумий ўқув юкلامаси Соатлари			
		Жами	Аудитория ўқув юкلامаси		
			Назарий	Амалий	Кўчма Машғуло
1.	Маъмурий ҳуқуққа нисбатан янгича ёндашув – илмий-ҳуқуқий янгилликлар	4	2	2	
2.	Маъмурий ҳуқуқда маъмурий орган ва хусусий шахсларнинг ҳуқуқий мақоми	4	2	2	
3.	Маъмурий тартиб-таомиллар	4	2	2	
4.	Давлат фуқаролик хизматини ҳуқуқий тартибга солиш	4	2	2	
5.	Маъмурий ҳужжатни қабул қилиш, ўзгартириш, бекор қилиш ва ҳақиқий эмас деб топиш масалалари	4	2	2	
6.	Маъмурий суд ишларини юритиш мавзусини ўқитишда амалий материаллардан фойдаланиш технологиялари	6		2	4
<b>Жами</b>		<b>26</b>	<b>10</b>	<b>12</b>	<b>4</b>

### БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари назорати белгиланган тартибда амалга оширилади.

## НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **1-мавзу. Маъмурий ҳуқуққа нисбатан янгича ёндашув – илмий-ҳуқуқий янгиликлар**

Оммавий ҳуқуқ соҳаси бўлган Маъмурий ҳуқуқ тушунчасига янгича ёндашув. Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун асосида дарс машғулоти олиб бориш. Маъмурий судлар фаолиятини Маъмурий ҳуқуқ фанини ўқитишдаги ўрни.

### **2-мавзу. Маъмурий ҳуқуқда маъмурий орган ва хусусий шахсларнинг ҳуқуқий мақоми**

Маъмурий-ҳуқуқий соҳани ҳуқуқий тартибга солишнинг қонунчилик асослари. Дарс машғулоти учун манбалар излаш. Маъруза машғулотига тайёргарлик кўриш. Семинар машғулотига тайёргарлик кўриш. Тақдимот тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари.

### **3-мавзу. Маъмурий тартиб-таомиллар**

Ўзбекистон Республикасида маъмурий тартиб-таомилларнинг қонунчилик асослари. Маъмурий тартиб-таомиллар мавзусидан назарий саволлар тузиш. Маъмурий тартиб-таомиллар мавзусидан муаммоли савол тузиш. Муаммоли савол тузишда амалиёт материалларидан фойдаланиш. Саволлар тузиш учун тегишли манбалардан фойдаланиш методикаси.

### **4-мавзу. Давлат фуқаролик хизматини ҳуқуқий тартибга солиш**

“TRAC” усули асосида дарс ўтиш. Муаммоли вазиятни оғзаки муҳокама қилишнинг ўзига хос хусусиятлари. Муаммоли вазиятни ёзма муҳокама қилишнинг ўзига хос хусусиятлари. Муаммоли вазиятни муҳокама қилишнинг асосий мезонлари. Муаммоли вазият асосида талабанинг билимини аниқлаш.

### **5-мавзу. Маъмурий ҳужжатни қабул қилиш, ўзгартириш, бекор қилиш ва ҳақиқий эмас деб топиш масалалари**

Маъмурий ҳужжатни қабул қилиш. Маъмурий ҳужжатни ўзгартириш. Маъмурий ҳужжатни бекор қилиш. Маъмурий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш.

### **6-мавзу. Маъмурий суд ишларини юритиш мавзусини ўқитишда амалий материаллардан фойдаланиш технологиялари**

Маъмурий суд ишларини юритишнинг қонунчилик асослари. Маъмурий суд ишларини юритиш мавзуда маъмурий суд материалларидан фойдаланиш. Дарс машғулотларига тайёргарлик кўришда амалиётдан материаллар йиғиш, ҳужжатлар жилдини тайёрлаш методикаси. Муаммоли савол тузишда амалиёт материалларидан фойдаланиш. Дарс машғулотларига амалиётдан мутахассис жалб қилиш, дарснинг эффе́ктивлигини баҳолаш, талабани амалиёт билан таништириш орқали билимини ошириш.

### **КЎЧМА МАШЎУЛОТ МАЗМУНИ**

Маъмурий ҳуқуқ фанида маъмурий суд материалларидан фойдаланиш. Маъмурий тартиб-таомилларга оид амалий материалларидан фойдаланиш. Давлат хизматига оид амалий материалларидан фойдаланиш кўчма машғулотнинг мазмунини ташкил этади.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Қуйидаги шаклларда таълим бериш кўзда тутилган:

- бинар маъруза, бит дарс, дебатлар, вебинар;
- деворсиз мактаб;
- On-line маъруза;
- тренинг, видеотренинг;
- мини-маърузалар ва суҳбатлар;
- ақлий ҳужум ва бумеранг, танишув усулларида;
- дискуссия и диспутлар (далил ва аргументлар асосида фикрини асослашга ўрганади, тинглаш ва эшитишга мослашади);
- кичик гуруҳларда идрок харитасида ишлаш (хамкорликда ишлашга ўрганилади).

# АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## I. Раҳбарий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.

2. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. Б - 48

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

## II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. - 76 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар -Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 37-сон, 375-модда

3. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 51-сон, 575-модда

4. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда

5. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 209-модда

6. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг

мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 49-сон, 578-модда

7. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 611-модда

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

9. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон

10. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018 й., 03/18/457/0525-сон; 07.01.2020 й., 03/20/600/0023-сон.

### **III. Махсус адабиётлар**

1. Ma'muriy huquq: Darslik / X.T. Odilqoriyev, I.Ismailov, N.T. Ismailov va boshq.; prof. X.T. Odilqoriyev va B.E.Qosimovning umumiy tahriri ostida. – T.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2010. – 640 b.

2. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республик Узбекистан Общая часть. Учебник. –Т.: Konsauditinform-Nashr, 2012. – 591 с.

3. С.Муратаев, Б.Мусаев, Д.Артиков. Маъмурий ҳуқуқ ва процесс. Дарслик. ТДЮУ, 2020. -520-б.

### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. <http://www.lex.uz>
2. <http://www.senat.uz>
3. <http://www.gov.uz>
4. <http://www.my.gov.uz>
5. <http://www.parliament.gov.uz>
6. <http://www.ziyonet.uz>

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### **Материални оғзаки баён қилиш методи**

Тингловчилар томонидан билимларни ўзлаштириш ўқитувчининг тушунтиришини фаол қабул қилиш ва пухта ўйлаш эвазига амалга оширилади. Билимларни узатиш воситаси сифатида ўқитувчи нутқи муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда ўқитувчининг тингловчилар фаолиятига раҳбарлиги мавзунини қўйиш, режани эълон қилиш, тингловчилар фаолиятини бошқаришдан иборат бўлади.

### **Сухбат методи**

Тингловчилар томонидан билимларни ўзлаштириш жараёни: улар эътиборига ҳавола этилаётган саволнинг моҳиятини англаш, мавжуд билимлар ва тажрибани сафарбар қилиш, саволга оид объектларни ўзаро таққослаш, пухта ўйлаш ва саволларга тўғри жавоб тайёрлашдан иборат. Ўқитувчининг раҳбарлиги: мавзунини қўйиш, саволларни ифодалаш, берилган жавобларни тузатиш, тўлдириш ва умумлаштириш каби ҳолатларда намоён бўлади. Сухбат методи ёрдамида билимларни ўзлаштиришда тингловчилар мавжуд билимлари ва тажрибаларига таянадилар

### **“SWOT-таҳлил” методи**


**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

<b>S – (strength)</b>	• <b>КУЧЛИ</b> томонлари
<b>W – (weakness)</b>	• <b>занф, кучсиз</b> томонлари
<b>O – (opportunity)</b>	• <b>имкониятлари</b>
<b>T – (threat)</b>	• <b>тўсиқлар</b>



### “Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.



### “Кейс-стади” методи

“Кейс-стади” - инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ходиса, “stadi” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).



## “Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

### “ФСМУ” методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур

технологиядан маъруза машғулотида, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулоти натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдирот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### **“Инсерт” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотида қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунини

ёритилган инпут-матнни таркатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намоёиш этилади;

- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалядилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1- матн	2- матн	3- матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, тингловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

#### **“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган таркатмалар берилади ( индивидуал ёки

гуруҳли тартибда);

- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;

- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;

- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### **“Блиц-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги “якка баҳо” колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини “гуруҳ баҳоси” бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни “тўғри жавоб” бўлимига ёзиш сўралади.

4. “Тўғри жавоб” бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса “0”, мос келса “1”

балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг “якка хато” бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда “тўғри жавоб” ва “гуруҳ баҳоси” ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар “гуруҳ хатоси” бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.


7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

### “Мунозара” методи

Таълим тизимида тизимларда нутқ ўқитиш, ўз фикрини мустақил ва асосли баён қилиб, хулосалар чиқариш воситаси сифатида ғоя муҳим ўрин эгаллайди. Бу бажариладиган ишнинг бир тури бўлиб, ўзаро тортишиш жараёнини келтириб чиқаради ва унга аниқлик киритади. Тингловчилар томонидан “ўз сўзи” ўзига хос услуб асосида изчил, савол фикр юритилади.

Мунозара вақтида тингловчилар ўзларига ишонган ҳолда саволларни мунозара қилишади. Мунозара учун шундай шароит яратиши керакки, унда тингловчилар ўз фикрларини ишонч билан очиқ айтиш, камчиликлари учун айбга қўймасликларига ишонган ҳолда баён этишлари лозим.

**Масалан: Маъмурий ихтиёрийлик маъмурий ҳужжат қабул қилишга қандай таъсирқилади?**



## “Пинборд” методи

Пинборд инглизчадан: pin – мустаҳкамлаш, board –доска маъносини билдиради. Бу усулда мунозара ёки суҳбат амалий усул би-лан боғланиб кетади. Метод мақсади ривожлантирувчи ва тарбияловчи вази-фасини бажариш. Бунда тингловчиларда мулоқот юритиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади, ўз фикрини нафақат оғзаки, балки ёзма ра-вишда баён этиш маҳорати, мушоҳада қилиш ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади.

## “Портфолио” методи

“Портфолио” – ( итал. portfolio – портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, тингловчи ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текши-риш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуйидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гуруҳий
Таълимий фаолият	Тингловчилар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Тингловчилар гуруҳи, тинглов-чилар гуруҳи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

## Муаммоли метод

Муаммоли методнинг моҳияти машғулотлар жараёнида муаммоли вазиятларни яратиш ва ечишдан иборат бўлиб, унинг асосида дидактик зиддиятлар ётади. Зиддиятларни бартараф этиш нафақат илмий билиш йўли шу билан бирга ўқув йўли ҳамдир.

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1. Маъмурий ҳуқуққа нисбатан янгича ёндашув – илмий-ҳуқуқий янгиликлар

##### Режа:

1. Оммавий ҳуқуқ соҳаси бўлган Маъмурий ҳуқуқ тушунчасига янгича ёндашув.

2. Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун асосида дарс машғулоти олиб бориш.

3. Маъмурий судлар фаолиятини Маъмурий ҳуқуқ фанини ўқитишдаги ўрни.

**Таянч иборалар:** маъмурий ҳуқуқ, давлат бошқаруви, қонуности ҳужжатлар, лицензия, норма, мансабдор шахслар, хўжалик юритувчи субъектлар, жамоат ташкилотлари, жисмоний шахслар, индивидуал субъектлар, жамоа субъектлари, маъмурий орган.

---

*Дарс машғулотларини қуйидаги маълумотлар асосида ўтиши тавсия этилади. Педагогик технология нуқтаи назардан қуйидагилар қамраб олади:*

1. *Дарс машғулоти учун манбалар излашда таяниши лозим бўлган маълумотлар;*

2. *Маъруза машғулотида тайёргарлик кўришида таяниши лозим бўлган материаллар;*

Маъмурий ҳуқуқ оммавий ҳуқуқ соҳаси ҳисобланиб, оммавий манфаатларни муҳофаза қилишга қаратилган муносабатларни тартибга солади.

***Ёдда тутинг!!!***

**Маъмурий ҳуқуқ – бу давлат бошқаруви жараёнида маъмурий органларнинг жисмоний ва юридик шахслар билан ўзаро муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари йиғиндиси.**

“Маъмурий ҳуқуқ” тушунчаси “давлат бошқаруви” тушунчаси билан ўзаро боғлиқдир.

Давлат бошқаруви – бу қонунлар ва бошқа норматив (қонуности) ҳужжатларни қўллаш бўйича олиб бориладиган ижрочилик ва фармойиш бериш фаолиятидир.



*Эътибор қаратинг!*

Бугунги кунда ўқувчилар орасида маъмурий ҳуқуқни тушуниш борасида нотўғри қараш кенг тарқалган. Яъни, “маъмурий ҳуқуқ” деганда, “маъмурий жавобгарлик”ни тушунадилар. Яъни, маъмурий ҳуқуқнинг асосий манбаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси деб биладилар. **Афсуски, бу нотўғри тушунча!** Бундай қараш собиқ Иттифоқ давридан қолган. Бу эса маъмурий ҳуқуқни негатив тушунишга сабаб бўлган. Аслида маъмурий ҳуқуқнинг позитив хусусиятлари жуда кўп. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, биз бирор бир қонун ҳужжатини маъмурий ҳуқуқнинг асосий манбаи сифатида белгилаб олишимиз мушкул. Бунга асосий сабаб маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар доирасининг жуда кенглигидир. Жумладан, мамлакатимизда мавжуд бўлган қонун ҳужжатларининг аксарияти маъмурий ҳуқуқ соҳасига тегишлилири.

- ***Маъмурий-ҳуқуқий нормалар нима?***

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар давлат томонидан ўрнатилган, маъмурий-ҳуқуқий фаолият жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида ушбу муносабатлар субъектларининг юридик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайдиган ҳуқ-атвор қоидаларидир.

*Ёдда тутинг!*

**Маъмурий-ҳуқуқий нормалар Маъмурий ҳуқуқ фани тизимининг бошланғич элементи бўлиб, давлат томонидан ўрнатиладиган ёки тасдиқланадиган ҳамда маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳулқ-атворини (хатти-ҳаракатини) белгилаб берадиган қондалардир.**

Биринчидан, маъмурий-ҳуқуқий нормалар давлат томонидан ўрнатилади ва уларнинг бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

Иккинчидан, маъмурий ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг ҳулқ-атворини, хатти-ҳаракатини тартибга солади;

Учинчидан, маъмурий ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг юридик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқлаб беради;

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар мазмунига кўра моддий ва процессуал нормаларга бўлинади. Моддий маъмурий-ҳуқуқий нормалар давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича бўладиган муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазмунини акс этса, процессуал маъмурий-ҳуқуқий нормалар эса уларни амалга ошириш тартибини белгилайди.



Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг ўзига хос хусусиятлари – маъмурий ҳуқуқ предмети ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш услубининг хусусиятлари билан белгиланади. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар – Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизими бошқа тармоқларининг нормаларидан фарқли

равишда, махсус қўлланиш соҳасига эга бўлиб, бу давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнидаги ижтимоий муносабатлардир. Шу сабабли маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг мазмунини давлат бошқаруви жараёнида амал қилиниши шарт бўлган хатти-ҳаракатлар доираси ташкил этади. Улар ёрдамида давлат органлари, мансабдор шахслар, хўжалик юритувчи субъектлар, жамоат ташкилотлари ва жисмоний шахсларнинг давлат бошқаруви соҳасида қачон ва қандай тартибда ҳаракат қилганларида қонунчилик талаблари аниқ ва мақсадга мувофиқ бўлиши белгиланади. Шу билан бирга, маъмурий-ҳуқуқий нормаларда қандай ҳаракатларни амалга ошириш мумкин ва қайсиларидан ўзини тийиш кераклиги кўрсатилади.

- ***Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар мазмун-моҳиятини қандай муносабатлар ташкил этади?***

•

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар – бу маъмурий ҳуқуқ нормалари асосида вужудга келадиган муносабатлардир.

***Ёдда тутинг!!!***

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар бу маъмурий органларнинг жисмоний ва юридик шахслар билан давлат бошқаруви жараёнида юзага келган ва маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинган ҳуқуқий муносабатларнинг бир туридир.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ўзининг тузилишига кўра муносабат *субъекти*, *объекти* ва *мазмунига* эга.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг ***субъекти*** унда иштирок этувчи томонлар, яъни бошқарув жараёнида маълум бир ваколатга эга бўлган (давлат бошқарув органлари, мансабдор шахслар) ёки бошқача маъмурий-ҳуқуқий мақомга эга бўлган шахслар (фуқаролар, жамоат бирлашмалари) ҳисобланади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг ***объекти*** маъмурий ҳуқуқ субъектларининг ҳаракатлари (қарорлари), уларнинг ижобий ёки салбий хулқ-атвори ҳисобланади. Ҳар қандай ҳуқуқий муносабат маълум бир жараёнларни тартибга солишга қаратилган муайян бир вазифани бажаради. Шу сабабли объектсиз ҳуқуқий муносабат бўлиши мумкин эмас.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг **мазмунини** маъмурий ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги, тақиқлар, чекловлар ташкил этади.

- **Маъмурий ҳуқуқ субъектлари нима?**

Маъмурий ҳуқуқ субъектлари иккига бўлинади: индивидуал субъектлар ва жамоавий субъектлар.

*Индивидуал субъектлар* – фуқаролар, хорижий давлатларнинг фуқарolari ва фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлиб, улар ижро ҳокимияти ва оммавий бошқарув органлари билан қатъий ва доимий ташкилий алоқаларда бўлмайди. Фуқаролар, масалан, қандайдир ҳаракатни содир этиш зарурати билан уларга юклатилган мажбуриятларни бажариш, тегишли давлат органининг рuxсатини (лицензия) олиш, ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни бузадиган ижро ҳокимияти органларининг ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилиш орқали маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатида намоён бўлади.

*Жамоа субъектлари* – бу инсонлар гуруҳи бўлиб, ташки муносабатларда мустақил субъект сифатида иштирок этадилар; уларни ташкил этиш тартиби ва фаолияти норматив ҳуқуқий актлар билан тартибга солинади. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда жамоа субъектлари ўз номларидан ҳаракат қиладилар; қонун ва бошқа норматив ҳужжатларда уларнинг ҳуқуқлари ва маълум бир мажбуриятлари белгилаб қўйилади.



Маъмурий орган — маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тўзилган комиссиялардир.

- *Маъмурий ҳуқуқнинг манбаи сифатида қайси қонун ҳужжатларини таъкидлаш мумкин?*

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар доираси жуда кенг бўлганлиги учун ушбу ҳуқуқ соҳасига оид қонун ҳужжатлари кенг қамровлидир.

Маъмурий ҳуқуқ соҳасига тааллуқли бўлган энг асосий қонун ҳужжатларидан бири бу “**Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида**”ги Қонун ҳисобланади.

Ушбу Қонун маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, шу жумладан **лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларига, давлат хизматларини кўрсатиш** билан боғлиқ бошқа тартиб-таомилларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Қонун **норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш, давлат хизматини ўташ, референдумлар, сайловлар ўтказиш, мудофаа, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот соҳасида, шунингдек тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов, жиноий мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият, суд ишини юритиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш** соҳасида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Ушбу Қонун маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи энг асосий принципаал қонун ҳисобланади. Маъмурий ҳуқуқнинг асосий моҳиятини тушунишда талабаларга ушбу қонунни ўқиш тавсия этилади.

Ўз навбатида, лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларига, давлат хизматларини кўрсатишга оид қонун ҳужжатлари ушбу ҳуқуқ соҳасининг манбалари доирасига киради.

### **Назорат саволлари:**

1. Маъмурий ҳуқуқ тушунчасини амалий мисоллар билан ёритиб беринг.
2. Маъмурий ҳуқуқ ва оммавий ҳуқуқнинг ўзаро муносабатини ёритиб беринг.
3. Маъмурий ҳуқуқнинг фуқаролик ҳуқуқидан фарқли жиҳатларини амалий мисоллар билан ёритиб беринг.
4. Маъмурий ҳуқуқий муносабатларни амалий мисоллар асосида таҳлил қилинг.

## 2. Маъмурий ҳуқуқда маъмурий орган ва хусусий шахсларнинг ҳуқуқий мақоми

### Режа:

1. Маъмурий ҳуқуқ субъекти тушунчаси
2. Маъмурий орган тушунчаси
3. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг маъмурий-ҳуқуқий мақоми
4. Хорижий давлатлар фуқароларининг ҳуқуқий мақоми

**Таянч иборалар:** маъмурий ҳуқуқ, давлат бошқаруви, қонуности ҳужжатлар, лицензия, норма, мансабдор шахслар, хўжалик юритувчи субъектлар, жамоат ташкилотлари, жисмоний шахслар, индивидуал субъектлар, жамоа субъектлари, маъмурий орган.

---

У ёки бу ижтимоий муносабатларни бирор-бир фан тармоғи предметига тааллуқлиги масаласини таҳлил қилишда унинг иштирокчиларини, яъни субъектларини аниқлаштириш муҳим. **Маъмурий ҳуқуқ субъектларига** қуйидагилар тааллуқлидир.

1. Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқаруви органлари ва уларнинг мансабдор шахслари;
2. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари;
3. Ўзбекистон Республиксининг юридик шахслари;
4. Фуқаролиги бўлмаган шахслар;
5. Белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган хорижий мамлакатларнинг юридик ва жисмоний шахслари.

Таъкидлаш жойизки, ушбу субъектлар ичида давлат бошқаруви органлари ва уларнинг мансабдор шахслари алоҳида “мақомга” эга. Чунки, юқоридаги кўрсатилган субъектлар ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар деб таърифлаш учун унинг бир томонида шартли равишда давлат бошқаруви органлари ва уларнинг мансабдор шахслари иштирок этиши лозим.

### Эса сақланг!

Икки ёки ундан ортиқ иштирокчиларнинг ижтимоий муносабатга киришиши натижасида юзага келган муносабатни маъмурий ҳуқуқ томонидан ўрганиладиган муносабатлар сирасига киритишимиз учун, унинг бир томонида давлат бошқаруви органи ва унинг мансабдор шахслари иштирок этиши лозим, шунингдек бошқа субъектлар айна маъмурий орган билан ижтимоий муносабатга киришиши керак.

Фуқаролар, хусусий юридик шахслар ўртасидаги ёки хорижий давлат фуқароси билан Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ўртасидаги ижтимоий муносабатлар тегишинча фуқаролик, корпоратив ёки конституциявий ҳуқуқ соҳалари ўрганиладиган ижтимоий муносабатларнинг субъектларидир. Ҳаттоки, давлат ҳокимияти органи билан фуқаро ўртасидаги муносабатларда ҳам унинг иштирокчилари Конституциявий ҳуқуқ тармоғининг субъектларига айланишади. Чунки, давлат ҳокимияти органлари (Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд ва ҳоказо) фаолияти ва уларнинг хусусий шахслар билан бўладиган муносабатлари конституциявий мақомга эга.

Маъмурий ҳуқуқ доираси иштирокчилари эса давлатнинг бошқарув органлари (вазирликлар, давлат кўмиталари, агентликлар, кўмиталар, инспекциялар, марказлар, комиссиялар, ҳокимиятлар ва бошқалар) ва уларнинг мансабдор шахслари билан чамбарчас боғлиқ.

Маъмурий ҳуқуқ субъектлари ичида давлат бошқаруви органлари ва улар мансабдор шахсларининг ўзига хос хусусияти шундаки, ушбу муносабатларда “шартларни” оммавий бошқарув органлари<sup>1</sup> белгилайди. Уларнинг бундай мақомда бўлиши аввал таъкидлаганимиздек, умумдавлат миқёсида давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган нормалар асосида ҳаракат қилиши шарти билан изоҳланади.

<sup>1</sup> Административное право (Общая часть) И.А. Хамедов, Л.Б. Хван, И.М. Цай. 2012 г. Т.: Изд-во «Konsoulauditinform-Nashr» - С. 78

Бошқача қилиб таъкидлаганда, улар халқнинг, жамиятнинг умумий манфаатларидан келиб чиқиб, қонун нормалари асосида ҳаракат қилишини билдиради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбири билан таъкидлаганда, “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”<sup>2</sup>.

Давлат бошқаруви органларининг Давлат ҳокимияти органлари билан бўладиган муносабатларида гарчандир бир томонда ижро ҳокимияти органлари иштирок этишига қарамасдан уларни Конституциявий ҳуқуқ субъектлари, юзага келган ижтимоий муносабатларни Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар қаторига киритиш ўринли. Зеро, юқорида таъкидлаганимиздек, Маъмурий ҳуқуқнинг ўзи Конституциявий ҳуқуқ замирида пайдо бўлади ва ривожланади. Шу сабабли ҳам ижтимоий муносабатлар “қесиммасида” устунликнинг Конституциявий ҳуқуққа берилиши мақсадга мувофиқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат бошқаруви органидан лицензия, рухсатнома олиш орқали расмий равишда фаолият юритиб, фуқаролар ва юридик шахслар билан ижтимоий муносабатларга киришадиган хусусий юридик шахслар (аудиторлик фирмалари, баҳолаш ташкилотлари, хусусий бандлик агентликлари ва хоказо) ўзларининг қонуний хизматларини кўрсатиши давомида Маъмурий ҳуқуқнинг субъектлари мақомига эга бўлмайди. Бундай вазиятларда улар фуқаролик, меҳнат ёки тижорат ҳуқуқи каби ҳуқуқ тармоқларининг субъектларига айланади. Ушбу мисолни акциядорлик жамиятлари мисолида ҳам таъкидлаш мумкин. Агар давлатнинг у ёки бу акциядорлик жамиятидаги улуши 30%дан ортадиган бўлса, унда ушбу жамиятни Маъмурий ҳуқуқнинг субъекти сифатида баҳолаш мумкин.

Умуман ҳар қандай ҳуқуқ тармоғи сингари Маъмурий ҳуқуқнинг асосий субъекти бўлган давлат бошқаруви органлари ва улар мансабдор

---

<sup>2</sup> Ш.М. Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз // Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. 14.12.2016. <https://president.uz/uz/lists/view/111>

шахсларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари қонун нормаларига таяниши керак. Яъни қонунийлик принципи ушбу соҳага ҳам бирдек тааллуқли. Шундай экан ушбу фан тармоғининг манбааларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. **Маъмурий ҳуқуқ манбааларига** қуйидагилар тааллуқли.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва кодекслари;
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари;
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари;
5. Давлат бошқаруви органларининг расмий ҳужжатлари;
6. Маҳаллий ҳокимларнинг расмий ҳужжатлари.

Аввал таъкидлаганимиздек, Маъмурий ҳуқуқ ўзининг бошланиш асосини Конституциявий ҳуқуқдан бошлар экан, табиий равишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси унинг энг асосий ва биринчи манбааси бўлади.

Кейинги поғонада энг муҳим ва Маъмурий ҳуқуқда кўп ишланиладиган манбаалардан бу қонунлар ва кодекслардир. Айрим адабиётларда у ёки бу қонунни ёки кодексини алоҳида кўрсатиб, айти шу қонун ёки кодекс Маъмурий ҳуқуқнинг манбааси деган фикрларни учратиш мумкин. Таъкидлаш керакки, ушбу ёндашув унча тўғри эмас ва назаримизда ҳар қандай қонун ёки кодекс – бу Маъмурий ҳуқуқнинг бевосита манбааси бўла олади.

Мисол учун,

<b>Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси</b>
--

Ушбу кодекснинг асосий ижрочиларидан бири табиийки бу вилоят, туман ва шаҳар ҳокимиятлари, Қурилиш вазирлиги, Ер ресурслари ва давлат кадастр қўмитаси органлари ва бошқалар. Мазкур органлар давлат бошқаруви органлари бўлиб улар Маъмурий ҳуқуқнинг субъектларидир. Улар ўз фаолиятида ижросини таъминлайдиган мазкур кодекс эса, Маъмурий ҳуқуқнинг манбаасидир.
--

**Ўзбекистон Республикасининг**

**“Тезкор қидирув фаолият тўғрисида”ги Қонуни**

Мазкур Қонун нормаларига кўра, давлат бошқаруви органларининг бири бўлган – Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси тезкор қидирув фаолият билан шуғулланувчи органлар сифатида мустақамланган. Шу сабабли улар мазкур қонуннинг ижрочилари ҳисобланиб, бир вақтнинг ўзида ушбу қонун Маъмурий ҳуқуқнинг ҳам манбааси эканлигининг исботидир.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**“Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида”ги Қонуни**

Мазкур қонун ижрочиларидан бири сифатида маҳаллий ҳокимликлар кўрсатилган бўлиб улар ҳам ўз навбатида ижро ҳокимияти органларидир. Шундай экан, мазкур Қонун ҳам ҳақли равишда Маъмурий ҳуқуқнинг мабааларидан биридир.

Шундай қилиб, Маъмурий ҳуқуқнинг энг асосий ва энг кўп ишлатиладиган манбааларидан бири бу Қонун ва Кодекс шаклидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир. Давлат бошқаруви органлари (Маъмурий органлар)нинг Қонун ва Кодекс шаклидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ўз фаолиятини олиб борилишининг таъминланиши жамиятда қонунийлик принципининг мустақам ўрнатилишига замин яратади. Бу эса пировардида, амалиётда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг сўзсиз таъминланишига асос бўлади.

Маъмурий ҳуқуқ манбааларининг кейинги шаклини қонуности ҳужжатлари ташкил этади. Буларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарор ва фармойишлари, давлат бошқаруви органларининг расмий ҳужжатлари ҳамда маҳаллий ҳокимларнинг қарорларидир. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг барчаси назарий жиҳатдан баҳолайдиган бўлсак, Қонунлар ва Кодексларда мустақамланган нормаларни ижро қилишга қаратилган бўлиб, ўз мазмунига кўра, мазкур Қонунлар ва Кодекслар “табиати”га,

мақсад ва вазифаларига мос бўлиши керак. Шунинг учун ҳам мазкур қонуности ҳужжатларининг кириш қисмида уларнинг у ёки бу Қонун ва Кодекснинг тегишли моддаларига асосан қабул қилинаётганлиги тўғрисидаги нормаларнинг киритилиши муҳим аҳамиятга эга.

**Параграф мазмунини ўзлаштириш учун кичик казусли мисол:**

Тасаввур қилинг, Сиз Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритувчи, катта молиявий салоҳиятга эга бўлган хорижий инвестиция асосида ташкил этилган компанияда ўз меҳнат фаолиятингизни юритасиз. Навбатдаги меҳнат оғи яқунланди ва Сиз мазкур компания бухгалтериясидан ўзингизга тегишли бўлган пулни белгиланган тартибда олмақдасиз. Яъни кассага бориб ўзингиз қонуний ишлаб топган маблағни санаб, бухгалтерия ҳужжатига қўл қуйиб олдингиз. Иш вақти яқунлангач, кўпчилик инсонлар каби Сиз ҳам рўзғор учун зарур бўлган нарсаларни харид қилиш учун катта Супер маркетга кирдингиз ва ўзингиз харид қилишни режалаштирган барча нарсаларни олдингиз. Сўнгра, касса олдида келдингиз нақ ёки банк пластик карточкаси орқали тўловни амалга оширддингиз, дўкон ходими Сизга чек тақдим қилди, Сиз уни олдингиз ва йўлингизда давом этдингиз.

Йўл-йўлакай ўз уйингиз учун мулк солиғини тўлашингиз кераклиги ёдингизга тушди ва Сиз ишхонагиз рўпарасида жойлашган туман солиқ инспекциясига бориб тўловни амалга оширддингиз Сизга солиқнинг тўланганлиги тўғрисидаги квитанция тақдим этилди.

Сўнгра Сиз, ўзингиз яшайдиган кўп қаватли уйингизнинг хоналари орлиғи тузилишида ўзгартиш қилаётган ёдингиз ва туман қадаср бўлишимига шу масала юзасидан рухсат олиш учун ариза берганлигингиз ёдингизга тушди. Қадаср бўлими Сизнинг аризангиз кўриб чиқилаётганлигини ва яқин 3-4 кунда расмий жавоб олишингизни айтди.

Ниҳоят Сиз уйингизга кираверишингизда олдингиздан Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ходими чиқди ва ўтган чоракда Сизнинг хонадонингизга кўрсатилган хизмат учун бадал пулини тўлашингиз кераклигини таъкидлади. Сиз тартиб ва қонунларни ҳурмат қиладиган инсон сифатида мазкур тўловни ҳам амалга оширддингиз. Сизга тўланганлиги тўғрисида ҳужжат тақдим қилинди. Сўнгра Сиз ўз уйингизга кетдингиз.

**1. Ушбу казусли мисолда Маъмурий ҳуқуқнинг предмети, субъекти борми?**

Агар бор бўлса изоҳланг.

2. Ушбу казусли вазиятда Маъмурий ҳуқуқ манбааларини учратиш мумкинми?
3. Маъмурий ҳуқуқ тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларни изоҳлашга ва уларнинг ўзига хослигини англашга ҳаракат қилинг. Бошқа ҳуқуқ тармоқларини ҳам тушунишга урининг.

### Назорат саволлари:

1. Маъмурий ҳуқуқ субъектларининг мақоми тушунчаси ва унинг таркибий элементларини назарий таҳлил этиб ёритиб беринг.

2. Ўзбекистон Республикасида хорижий мамлакатлар фуқароларининг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари рўйхатини ёритиб беринг.

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маъмурий ҳуқуқ субъекти ҳисобланадими? Фикрингизни қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда баён этинг.

4. Вазирликларни маъмурий ҳуқуқ субъекти сифатидаги мақомини ёритиб беринг. Фикрингизни камида иккита вазирлик мисолида асослаб беринг.

6. Маъмурий ҳуқуқнинг жамоавий субъектлари тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб беринг.

7. Маъмурий ҳуқуқ лаёқати ва маъмурий муомала лаёқати тушунчаларининг фарқли жihatларини ёритиб беринг.

### 3. Маъмурий тартиб-таомиллар

#### Режа:

1. Маъмурий процесс тушунчаси
2. Маъмурий тартиб-таомиллар тушунчаси
3. Маъмурий тартиб-таомиллар принциплари

**Таянч иборалар:** маъмурий тартиб-таомиллар, давлат бошқаруви, қонуности ҳужжатлар, мансабдор шахслар, хўжалик юритувчи субъектлар, жамоат ташкилотлари, жисмоний шахслар, индивидуал субъектлар, жамоа субъектлари, маъмурий орган.


---

#### • *Маъмурий процесс нима?*

Бугунги кунда маъмурий ҳуқуққа нисбатан янгича қараш бевосита маъмурий процесс тушунчаси билан боғлиқдир.


#### *Ёдда тутинг!*

*Маъмурий процесс – бу оммавий-ҳуқуқий характердаги муайян бир ишни маъмурий орган ёки суд томонидан кўриб чиқиш ва ҳал этишга қаратилган жараёндир.*



Демак, маъмурий процесс жисмоний ва юридик шахсининг қайсидир ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини амалга ошириш учун маъмурий органга мурожаат этишидан ёхуд мурожаатдаги илтимос қаноатлантирилмаган тақдирда юқори турувчи орган ёки судга шикоят қилиш вақтидан бошланади.

• *Маъмурий процесснинг қандай турлари мавжуд?*



• *Маъмурий-бошқарув процесси нима?*

*Ёдда тутинг!*

Маъмурий-бошқаруви процесси деганда маъмурий органларнинг жисмоний ва юридик шахслар билан ташқи бошқарув фаолиятига киришиш жараёнидир. Ушбу жараённи “маъмурий процедуралар” деб ҳам аталади. Мисол учун: давлат рўйхатидан ўтиш жараёни.

Маъмурий бошқарув процесси қуйидаги хусусиятларга эга:

- бошқарув-ҳуқуқий табиатга эга;
- давлат ҳокимияти ижро этувчи бўғинини амалга оширишнинг юридик шакли ҳисобланади;
- асосан ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан амалга оширилади;
- маъмурий ҳуқуқ моддий меъёрларининг амалда татбиқ этилишини таъминлайди.

Бугунги кунда маъмурий бошқарув процессига оид энг асосий қонун ҳужжатларидан бири Ўзбекистон Республикасининг “**Маъмурий**

тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни<sup>3</sup>дир.

• *Маъмурий-юстициявий процесс нима?*

*Ёдда тутинг!*

Маъмурий юстициявий процесс деганда маъмурий органларнинг жисмоний ва юридик шахслар билан маъмурий-ҳуқуқий фаолият доирасида юзага келган оммавий-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш жараёнидир.

Маъмурий-юстициявий процесс бевосита маъмурий (оммавий) низо билан боғлиқ тушунчадир.

Маъмурий юстициявий процессга оид энг асосий қонун ҳужжатларидан бири бу 2018 йилнинг 25 январь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг **Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси**<sup>4</sup>дир.

Ушбу кодексга кўра, суд:

1) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

2) давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг (бундан буён матнда маъмурий органлар деб юритилади), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

3) сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

4) нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи

<sup>3</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018 й., 03/18/457/0525-сон

<sup>4</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й.

мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

5) давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилади.

Суд фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган, қонун билан ўзининг ваколатига киритилган бошқа ишларни ҳам ҳал қилади.

### ***Эътибор беринг!***

Аксарият ривожланган хорижий мамлакатларда маъмурий ҳуқуқбузарликлар умуман маъмурий ҳуқуқ предмети ҳисобланмайди, кичик жиноятлар ва тегишли равишда бу каби ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд иш юритуви жиноят процессига киради. Тегишли равишда бундай ҳуқуқбузарликларга оид суд ишини кўриб чиқиш жараёни жиноий ишни кўриб чиқишга киритилади.

### ***• Маъмурий процессни муаммоли вазият билан қандай боғлаш мумкин?***

Маъмурий процессни қуйидаги муаммоли вазиятга боғлаб таҳлил қилимиз.

Фуқаро К. адвокатлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида 2012 йил 25 ноябрь куни Адлия вазирлигига лицензия олиш учун тегишли ҳужжатларни тақдим этди. Бу орада фуқаро К. тақдим этган ҳужжатларда белгиланган талабларнинг барчаси борлиги маълум бўлади, 19 сентябрда эса фуқаро К. малака имтиҳонини муваффақиятли топширади бироқ, унинг ҳужжатлари Адлия вазирлиги томонидан қайтариб юборилади. Бунга асос қилиб тегишли муддатда лицензия олиш учун мурожаат қилинмагани айтилди.

Ушбу муаммоли вазият маъмурий процесснинг бошқарув муносабатидаги ҳуқуқни қўллаш яъни маъмурий орган ва манфаадор шахс ўртасида давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида вужудга келган

ижтимоий муносабат юзага келмоқда. Юқоридаги ҳолат бўйича Адлия вазирлиги фуқаро К.нинг хужжатларини қайтариб юборганлиги – тарафларнинг ўртасида низо келиб чиққанлигини англатади. Бу эса маъмурий-юстициявий процесснинг юзага келишига олиб келмоқда.


• *Маъмурий тартиб-таомиллар нима?*

Маъмурий тартиб-таомиллар жисмоний ва юридик шахслар билан ўзаро муносабатга киришаётганда амалга ошириладиган давлат функцияларининг тартиби, умумий тамойиллари ва қоидаларини тартибга солади. Шу билан бирга маъмурий тартиб-таомилларга жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган муносабатларга қаратилган давлат органларининг қонунчиликда белгиланган ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ давлат хизматларини кўрсатиш ваколатлари ҳам киради (рухсат берувчи ва бошқа хужжатларни бериш, уларнинг муддатларини узайтириш, қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризаларни тақдим қилиш ва кўриб чиқиш, рўйхатдан ўтказиш, компенсация, кафолат ва имтиёزلарни бериш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига тегишли бошқа қарорларни қабул қилиш).

*Ёдда тутинг!*

**Маъмурий тартиб-таомил — маъмурий органларнинг маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини тартибга солувчи процессуал қоидаларидир.**

Маъмурий-ҳуқуқий фаолият айрим жисмоний ёки юридик шахсларга ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳига таъсир кўрсатувчи бошқарув фаолияти ҳисобланади.



• **Маъмурий тартиб-таомиларнинг қандай принциплари мавжуд?**

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомилар тўғрисида”ги Қонун<sup>5</sup>нинг 5-моддасига кўра, маъмурий тартиб-таомиларнинг асосий принципларига қуйидагилар киради:

- қонунийлик;
- мутаносиблик;
- ишончлилик;
- тингланиш имкониятининг мавжудлиги;
- маъмурий тартиб-таомиларнинг очиклиги, шаффофлиги ва тушунарлилиги;
- манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг устунлиги;
- бюрократик расмиятчиликка йўл қўйилмаслиги;
- мазмунан қамраб олиш;
- маъмурий иш юритишнинг «бир дарча» орқали амалга оширилиши;
- тенг ҳуқуқлилик;
- ишончнинг ҳимоя қилиниши;
- маъмурий ихтиёрийликнинг (дискрецион ваколатнинг) қонунийлиги;
- текшириш.

<sup>5</sup> Ушбу мавзунни ўзлаштиришда мазкур қонунни мукамал ўзлаштириш талаб этилади.

• *Маъмурий тартиб-таомилларнинг тизими қандай?*

Маъмурий процедуралар тизими - маъмурий органларнинг турли соҳа, тармоқлардаги ва давлат бошқарувининг алоҳида масалалари бўйича фаолиятини тартибга солиш мақсадида ушбу қонун билан белгиланган доирали маъмурий процедуралардан ва унга мувофиқ белгиланадиган махсус маъмурий процедуралардан иборатдир.

“Доиравий процедуралар” тушунчаси қонун чиқарувчи учун янгиликдир: ҳозирги пайтгача у миллий қонунчиликда қўлланилмаган. Аммо ушбу тушунча асосида турган тамойил (ҳуқуқий тартибга солишга ҳуқуқий ёндашув) анчадан буён қонунчиликда қўлланилади. Бунга Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси яққол мисол бўла олади, унда мамлакатимизда ижтимоий муносабатларни ва қонунчилик тизимини шакллантиришнинг асосий тамойиллари белгиланган. Бунда алоҳида таъкидланадики, Ўзбекистон Республикасининг барча қонунлари мамлакатнинг Асосий қонуни асосида ва унда кўзда тутилган кафолатларни ижро этиш мақсадида қабул қилиниши керак. Бошқача айтганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бош йўналишни белгилайди, унинг доирасида эса давлат қурилиши ва бошқаруви амалга оширилиши керак.

Доиравий маъмурий процедура барча маъмурий органлар учун мажбурий бўлган, яъни барча маъмурий органлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан маъмурий ишларни қўзғатиш ва кўриб чиқиш, маъмурий қарорларни қабул қилиш жараёнида амал қилиниши шарт бўлган асосий талаблар (қоидалар)дир. Шу тарзда, доиравий маъмурий процедура – моҳиятан маъмурийлаштириш конституциясидир.

Маъмурий органлар фаолияти соҳалари, улар олдига қўйилган вазифалар каби хилма-хиллиги билан фарқланади. Алоҳида соҳаларда маъмурийлаштиришнинг ўзига хослиги махсус маъмурийлаштириш процедураларида акс эттирилиши лозим. Махсус процедураларнинг моҳияти шундаки, улар чегарасидан ташқарига чиқмай, доиравий маъмурий

процедурада кўзда тутилган айрим қоидаларни аниқлаштиради. Масалан, улар маъмурий ишни кўриб чиқишнинг қисқароқ муддатини, рад этишнинг батафсил тартибини, далиллар тадқиқоти ва шу кабиларнинг қисқароқ муддатини кўзда тутиши мумкин.

Махсус маъмурий процедура у ёки бу соҳада маъмурийлаштиришнинг ўзига хослигини эътиборга олиши керак, у доиравий процедурага зид бўлмаслиги керак. Бунинг учун қонун процедураларнинг бундай номувофиқлиги мезонларини белгилаши керак.

- ***Маъмурий тартиб-таомилларнинг қандай аҳамияти бор?***

Маъмурий тартиб-таомилларни қўллаш натижасида қуйидаги масалалар ҳал қилинади:

Биринчидан, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятда қонунийлик таъминланади. Маъмурий органларнинг фаолияти аниқ қонуний доирага солинади.

Иккинчидан, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятнинг холислиги ва адолатлилиги кафолатлари яратилади.

Учинчидан, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятнинг ошқоралиги, унинг оммавий (суд, парламент жамоатчилиги) назорати ва ички идоравий назорат учун очиклиги ошади.

Тўртинчидан, давлат мансабдор шахслари онглилиги, шунингдек билим даражаси ва касбий маҳорати ўсишига кўмаклашувчи шарт-шароитлар яратилади.

Бешинчидан, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятда хусусий шахс ҳуқуқларини ҳимоялаш кафолатлари яратилади.

Олтинчидан, ҳокимият нуфузи яхшиланади, жамиятнинг маъмурий тизимга нисбатан ишончи ортади.

*АҚШда давлатнинг энг асосий функцияларидан бири давлат бошқаруви органининг ваколатлари билан боғлиқ бўлган жисмоний ҳамда хусусий юридик шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишдир. Давлат бошқаруви органи ёки бошқа тузилмаларга ўз қонуний ваколатларини амалга оширишларини таъминлаш билан бир қаторда қонун чиқарувчи уларнинг ўз ваколатлари доирасидан чиқиб кетмасликлар учун улар устидан тегишли назоратни амалга ошириш механизмини ҳам ўрнатади. Ваколатларни беришда муайян чекловлар ва талаблар, масалан, ваколатларни виждонан ва коррупциядан холи тарзда амалга ошириш мажбурияти юклатилиши мумкин. Бунинг боиси шундаки, берилган ваколатларнинг кўлами жамиятда тан олинган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий қадриятларни ўзида акс эттиради.*

### **Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш эҳтиёжини тушунтириб беринг.
2. Маъмурий тартиб-таомиллар принципларини амалий мисоллар билан тушунтириб беринг.
3. Маъмурий тартиб-таомиллар тушунчасини амалий мисоллар билан тушунтириб беринг.
4. Маъмурий тартиб-таомиллар тизимини таҳлил қилинг.

## 4. Давлат фуқаролик хизматини ҳуқуқий тартибга солиш

### Режа

1. Давлат хизмати тушунчаси
2. Давлат хизматига кириш
3. Давлат хизматини ўташ
4. Давлат хизматидан чиқиш

**Таянч иборалар:** давлат фуқаролик хизмати, давлат хизмати, қонуности ҳужжатлар, лицензия, норма, мансабдор шахслар, хўжалик юритувчи субъектлар, жамоат ташкилотлари, жисмоний шахслар, индивидуал субъектлар, жамоа субъектлари, маъмурий орган.

---

#### • *Давлат хизмати нима?*

Давлатнинг кадрлар сиёсати давлат хизматчиларининг ўз хизмат вазифаларини юқори даражада бажаришини таъминлашда уларнинг фақат шахсий сифатларигагина таяниб қолмай, балки кадрларни жой-жойига қўйиш, бу борада ўзини ўзи мунтазам тартибга соладиган, ривожлантирадиган механизмини такомиллаштиришга қаратилиши лозим. Чунки ҳозирги даврда давлат хизматчилари олдида кўплаб аниқ амалий вазифалар қўйилмоқда ва уларнинг кечиктирмай бажарилишини таъминлаш мамлакат тақдирида муҳим аҳамиятга эгадир. Давлат хизмати самарасини таъминлашдаги барча объектив ва субъектив бўшлиқларни тўлдириш, қолаверса, давлат хизматчиларининг профессионалик даражасини янада юксалтириш учун мумкин бўлган барча чораларни қўллаш бугунги куннинг муҳим талабидир.

*Ёдда тутинг!*

**Давлат хизмати - бу давлат органида маълум бир мансабни эгаллаб турган шахс томонидан давлат вазифалари ва функцияларини бажариш мақсадида ҳоқимият ваколатларининг амалга оширилишига қаратилган касбий фаолиятдир.**

Ушбу таърифда давлат хизмати тушунчасини ёритиб берувчи барча элементлар ўз ифодасини топган. Хусусан, давлат органи, мансабдор шахс ва касбий фаолият.

Демак, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти куришдек олий мақсадларни ўз олдимизга қўйган эканмиз, бу мақсадларга ушбу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси бўлган давлат хизматчилари тушунчасини, уларнинг тизимлаштирилган ҳолатдаги ҳуқуқий мақомини, таснифини ҳамда бошқа ўзига хос жихатларини чуқур назарий таҳлилдан ўтказмасдан, амалиётга жорий қилмасдан туриб эришишимиз мушкул.

### • *Давлат хизматчиси ким?*

Хизматчилар тўғрисида батафсил тушунча ҳосил қилиш мақсадида, уларни жамиятнинг турли ташкилотларида (корхона, муассасаларида) банд бўлган бошқа шахслардан фарқлаш лозим:

➤ хизматчилар турли ташкилотларда (давлат, маҳаллий, нодавлат, тижорат, нотижорат, жамоат, диний) маълум бир лавозимларни эгаллайдилар;

➤ уларнинг фаолияти ақлий хусусиятга эга, яъни улар бевосита моддий бойликларни яратмайди. Лекин хизматчилар моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам фаолият юритиши мумкин. Масалан, ташкилий, ишлаб чиқариш жараёнини технологик таъминлаш, лойиҳаларни тайёрлаш, маркетинг, тадқиқот фаолияти ва бошқалар;

➤ хизматчилар ҳокимият фаолиятини (ташқиллаштириш, фармойиш бериш, раҳбарлик, назорат) амалга оширадилар ҳамда тегишли ташкилий-фармойиш бериш ва маъмурий-хўжалик ваколатларига эга бўлади; улар давлат ва жамоат мажбурлов чораларини қўллашлари мумкин. Ҳар қандай ташкилотдаги хизматчилар, асосан бошқарув функцияларини (бунда, бошқарув функцияси деганда, турли ҳуқуқ субъектларининг фаолиятини тартибга солувчи восита сифатида тушунмоқ лозим) амалга оширадилар;

➤ хизматчилар ўз ваколатларини, функцияларини, қоида бўйича маълум бир ҳақ эвазига амалга оширадilar.

*Ёдда тутиш!*

**Давлат хизматчиси - бу давлат-ҳокимият ваколати доирасида маълум бир ҳақ эвазига давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширувчи шахсдир.**

**• Ўзбекистон Республикасида давлат хизматида оид қонунчилик аҳволи қандай?**

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ҳуқуқий тартибга солиш масаласига тўхталадиган бўлсак, комплекс равишда турли қонунчилик ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Жумладан, давлат хизмати соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, маъмурий, молия, меҳнат ва бошқа қонунчилик соҳалари билан ҳуқуқий тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятини ташкил этиш асосларини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси белгилаб берса, уни амалга ошириш эса давлат хизмати тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Лекин шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозирги кунга қадар давлат хизмати тўғрисида алоҳида қонун қабул қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат бошқаруви ислоҳ соҳасида “**Давлат хизмати тўғрисида**”ги Қонун қабул қилиниши назарда тутилган.

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, давлат хизматини ташкил этиш асосларини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси белгилаб беради. Конституцияни таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, миллий

давлатчилигимизни ташкил этиш ва ривожлантиришда “давлат хизмати институти” катта аҳамиятга эга. Давлат хизматини тўғри ташкил қилиш орқали ўз олдимизга қўйган мақсадларимизга эришишимиз мумкин. Чунки давлат хизмати ижтимоий мувозанатни, ички ва ташқи хавфсизликни ҳамда иқтисодиётни ривожлантиришда барча инфраструктураларнинг функцияланишини таъминлашда хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан белгилаб берилган асосий вазифаларни бажаришда давлат хизмати катта роль ўйнайди. У демократик мувозанатни, ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойилларига риоя қилинишини ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг муҳофазасини таъминлайди. Давлат хизмати орқали давлат сиёсати, олиб борилаётган ислохотлар демократик тарзда ҳаётга татбиқ қилинади.

Барча давлат хизматчилари ўз фаолиятларини Конституция ва амалдаги қонунлар асосида олиб бориш, Конституция ва қонунлардан келиб чиқадиган талабларни ҳаётга татбиқ қилишлари ҳамда бу соҳада фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг устунлигини таъминлаш мақсадида ташкил қилишлари лозим. Давлатимиз олдида қўйилган мақсадларнинг рўёбга чиқиши кўп жиҳатдан давлат органларини ва уларнинг фаолиятини, яъни давлат хизматини тўғри ташкил этишга боғлиқдир.

Давлат хизмати соҳасида юзага келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва бошқа давлат ҳокимияти органларининг меъёрий ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади. Соҳадаги муносабатлар **ягона қонунчилик асосида тартибга солинмаганлиги учун** давлат хизматига оид муносабатлар соҳавий характерга эга. Мисол учун, давлат божхона хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми шу соҳага оид бўлган қонун

хужжатлари (“Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Қонун<sup>6</sup> ва бошқалар) билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5843-сонли “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони<sup>7</sup>ни келтириб ўтиш мумкин. Мазкур фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги **Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги** ташкил қилинди.

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг давлат хизматини тартибга солишдаги вазифалари нимадан иборат?**

Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

давлат фуқаролик хизмати трансформациясининг ғоявий платформасини, уни ривожлантириш дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, давлат фуқаролик хизмати соҳасида ягона сиёсатнинг амалга оширилишини таъминлаш;

давлат органлари ва ташкилотларининг давлат кадрлар сиёсати соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш жараёнлари ва истиқболларини мониторинг ва таҳлил қилиш ҳамда ушбу соҳадаги муаммолар ва таҳдидларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

очиқлик, профессионаллик ва ҳисобдорлик тамойилларига асосланган ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантиришнинг инновацион усулларини жорий этиш;

Миллий кадрлар захирасини бошқариш, Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрини юритиш, шунингдек давлат фуқаролик

---

<sup>6</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.10.2018 й., 03/18/502/2068-сон

<sup>7</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.10.2019 й., 06/19/5843/3900-сон

хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очик порталини ташкил этиш ва юритиш;

давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг ўлчанадиган индикаторлари (энг мухим кўрсаткичлари) тизимини жорий этиш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг очик рейтингини шакллантириш;

малакали ва юқори малакали мутахассисларни, шу жумладан хорижда яшаётган ватандошлар орасидан аниқлаш ва жалб этиш, шунингдек давлат фуқаролик хизматига иқтидорли ёшлар ва хотин-қизларни кенг жалб этиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш;

энг истикболли кадрларни давлат фуқаролик хизматига очик мустақил танлов асосида қабул қилишни ташкиллаштириш;

давлат фуқаролик хизматчиларида юксак касбий ахлоқ-одобни, коррупцияга қарши туриш маданиятини ва унга тоқатсиз муносабатни шакллантириш;

давлат фуқаролик хизмати соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва уларни изчил такомиллаштириб бориш, давлат фуқаролик хизматчилари шахсий маълумотларининг хавфсизлигини таъминлаган ҳолда улар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш;

давлат фуқаролик хизматчиларининг иш берувчилар билан ўзаро муносабатларида уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек уларнинг меҳнат фаолияти ва ижтимоий ҳимояси учун муносиб шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш.

- *Давлат хизматининг маъмурий ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқ соҳалари билан қандай боғлиқ жиҳатлари бор?*

Бизга Маъмурий ҳуқуқ фанидан маълумки, давлат хизмати маъмурий ҳуқуқнинг асосий ва ривожланиб бораётган институтларидан бири ҳисобланиб, давлат хизматини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида

юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи маъмурий-хукукий меъёрлар йиғиндисидан иборатдир.

Давлат хизмати маъмурий ҳуқуқнинг асосий қисмларидан бири бўлиб, давлат хизматини ташкил этиш босқичида, шунингдек унинг функцияланишида деярли барча маъмурий-хукукий институтларни: ижро ҳокимияти, давлат бошқаруви, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, маъмурий ҳуқуқ субъектлари, давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, маъмурий-хукукий усул ва шакллар, давлат мажбурлов чоралари, ижро ҳокимияти тизимида назорат ва бошқаларни бирлаштиради.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи (қонунчилиги) меъёрлари давлат хизмати учун маълум бир кафолатларни ўрнатиб беради. Меҳнат ҳуқуқи меъёрлари: давлат хизматчилари билан тузиладиган меҳнат шартномалари (контракт)ни тузишни, танлов (конкурс) асосида лавозим ёки мансабни эгаллашни, хизматчиларнинг мансаб окладларини ўрнатишни, хизматчиларга нисбатан қўлланиладиган интизомий жавобгарликни ва уни қўллаш тартибини белгилаб беради. Бундан ташқари, меҳнат фаолиятидаги асосий ҳолатлар, яъни хизматчилар меҳнат фаолиятининг давомийлигини, дам олиши, меҳнат таътили, ижтимоий таъминот масалалари ҳам меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинади. Меҳнат қонунчилиги давлат хизматида ички тартиб қоидаларига риоя этилишини ҳам таъминлайди.

Давлат хизматини тартибга солишда жиноят қонунчилиги меъёрлари ҳам алоҳида бир ўринни эгаллайди. Жумладан, мансабдор шахс тушунчаси, айнан шу қонунчиликда берилгандир. Давлат хизматидаги коррупцияга қарши курашишда жиноят қонунчилиги меъёрларининг тутган ўрни каттадир.

Охириги вақтларда бюджет, солиқ, банк ва бошқа молиявий муносабатларнинг ривожланиши давлат хизматини тартибга солишдаги молия қонунчилигининг аҳамиятини янада оширди. Давлатнинг молиявий фаолияти давлат бошқарувининг бир кўриниши бўлганлиги сабабли ҳам давлатнинг молиявий фаолияти давлат хизматчилари томонидан амалга

оширилади. Ҳуқуқий тартибга солиш усулига кўра молия қонунчилиги маъмурий қонунчиликка ўхшаб кетади, яъни буларнинг иккаласи ҳам давлат ҳокимият кўрсатмалари усулига ва субъектларнинг тенгсизлигига эгадир.

### **Назорат саволлари:**

1. Давлат хизмати тушунчасини таҳлил қилинг. Фикрингизни назарий ва ҳуқуқий асослантинг.

2. Бўлажак давлат хизматчиси сифатида ўзингиз танланган касб соҳаси қонунчилигини таҳлил қилинг. Мазкур давлат хизматига кириш, ўташ ва чиқиш тартибларини ёритиб беринг.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини таҳлил қилинг.

4. Хорижий мамлакатларда давлат хизмат муносабатларини таҳлил қилинг

## 5. Маъмурий ҳужжатни қабул қилиш, ўзгартириш, бекор қилиш ва ҳақиқий эмас деб топиш масалалари

### Режа:

4. Маъмурий ҳужжат тушунчаси
5. Маъмурий ҳужжатнинг бошқа ҳужжатлардан фарқи
6. Маъмурий ҳужжатнинг шакли ва мазмуни
7. Маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ва ҳақиқий эмас деб топиш

**Таянч иборалар:** маъмурий ҳужжат, бекор қилиш, ҳақиқий эмас деб топиш, қонуности ҳужжатлар, лицензия, норма, мансабдор шахслар, хўжалик юритувчи субъектлар, жамоат ташкилотлари, жисмоний шахслар, индивидуал субъектлар, жамоа субъектлари, маъмурий орган.

---

### • Маъмурий ҳужжат нима?

Ҳаётимизда жуда кўплаб маъмурий ҳужжатларга дуч келамиз. Мисол учун, ердан доимий фойдаланиш тўғрисидаги ҳоким қарори, лицензия бериш тўғрисидаги қарор ва бошқалар. Ҳуқуқшунос маъмурий ҳужжатларни билмасдан туриб, мукамал касб эгаси бўла олмайди. Сиз судья бўлсангиз маъмурий ҳужжатни ҳақиқий эмаслигини аниқлаш учун, прокурор бўлсангиз маъмурий ҳужжатни қонун асосида қабул қилинганлигини билиш учун ва адвокат бўлсангиз мижозингиз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун маъмурий ҳужжатга қўйилган талабларни билиш муҳим аҳамиятга эгадир.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг энг асосий қисми маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш, бекор қилиш, ўзгартириш, ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ нормалар ташкил этади. Мазкур қонуннинг 4-моддасида “маъмурий ҳужжат” тушунчасига қуйидагича таъриф берилган.

#### *Ёдда тутинг!*

**Маъмурий ҳужжат** — маъмурий органнинг оммавий ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиришга, ўзгартиришга ёки тугатишга қаратилган ҳамда айрим жисмоний ёки юридик шахслар учун ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳи учун муайян ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи таъсир чораси.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, маъмурий ҳужжатларни маъмурий ҳаракатлар ва процессуал ҳужжатлардан фарқлаш керак. Маъмурий ҳаракатлар деганда маъмурий органнинг жисмоний ва юридик шахсларга

нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида амалга оширилган, юридик аҳамиятга эга ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) тушунилади.

Процессуал ҳужжат эса маъмурий орган томонидан маъмурий иш юритиш давомида қабул қилинадиган, маъмурий ишни мазмунан ҳал этмайдиган ҳужжатдир. Бунинг маъноси шуки, процессуал ҳужжатлар маъмурий ҳужжат қабул қилинмасдан аввал маъмурий ишни кўриб чиқиш жараёнида қабул қилинади. Процессуал ҳужжат ишни тугал шаклда ҳал қилиб бермайди. Масалан, лицензия талаб этиладиган фаолият билан шуғулланиш учун тегишли маъмурий органнинг қарори талаб этилади. Қарор маъмурий ҳужжат бўлса, қарор қабул қилингунгача бўлган босқичда ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ масалалар билан боғлиқ қабул қилинадиган ҳужжат процессуал ҳужжат ҳисобланади.

Маъмурий ҳужжат тушунчасини таҳлил қилишда қуйидаги муаммоли вазиятни кўриб чиқсак.

#### *Муаммоли вазият*

Ер тузиш ва кўчмас мулк давлат кадастр корхонаси шаҳар бўлимининг маълумотномасига кўра Ҳувайдо кўчаси, 166-уй манзилида жойлашган дўкон ва цех биносига мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери ва олди-сотди шартномасига асосан фуқаро Қ.Қўлдошев номига кадастр хизматида давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда шаҳар ҳокимининг қарорига асосан мазкур биноларнинг амалда эгаллаб турган 450 квадрат метр майдони доимий фойдаланиш учун бириктирилиб, ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат акти берилган.

2017 йил 3 октябрда Бухоро шаҳар ҳокимининг қарори асосида фуқаро Қ.Қўлдошевга тегишли бўлган бино-иншоотларни бузиш лозимлиги кўрсатилган. Фуқаро бинони буздириш тўғрисида шаҳар ҳокимининг қарори қабул қилинганидан 2017 йил ноябрь ойида хабар топган. Фуқаро Қ.Қўлдошев ҳоким қарори қонунда белгиланмаган муддатда унга хабар қилинмаганлиги учун маъмурий судга шикоят қилган.

Юқоридаги муаммоли вазиятда қуйидагилар маъмурий ҳужжат ҳисобланади:

1. мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери;
2. ердан доимий фойдаланиш тўғрисидаги шаҳар ҳокимининг қарори;
3. ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқини давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳнома;
4. ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат акти;
5. бино-иншоотларни бузиш тўғрисидаги шаҳар ҳокимининг қарори.

*Хўш, нима учун юқоридагилар маъмурий ҳужжат ҳисобланади?* Буни биз маъмурий ҳужжатнинг ўзига хос хусусиятларидан аниқлаш орқали билиб олишимиз мумкин бўлади. Маъмурий ҳужжатнинг қуйидаги хусусиятларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

1. Маъмурий ҳужжат маъмурий орган томонидан қабул қилинади;
2. Маъмурий ҳужжат оммавий ҳуқуқий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ;
3. Маъмурий ҳужжат оммавий ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиради, ўзгартиради ёки тугатади;
4. Маъмурий ҳужжат муайян жисмоний ёки юридик шахслар учун ёхуд бир қанча шахслардан иборат жамоага қаратилади;
5. Маъмурий ҳужжат муайян ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаради.

Маъмурий ҳужжат ва маъмурий органлар ўзаро бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган тушунчалардир. Органлар, ташкилотлар ҳамда махсус тузилган комиссияларни маъмурий орган сифатида баҳолаш учун уларда айнан маъмурий ҳужжатни қабул қилиш ваколати мавжуд бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, давлат органлари ва муассасаларни маъмурий орган сифатида эътироф этиш учун улар жисмоний ва юридик шахслар билан давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларга киришиши ва бунинг натижаси сифатида маъмурий ҳужжатни қабул қилиши керак.

Маъмурий органлар тушунчаси 2018 йилга қадар маъмурий ҳуқуққа доир қонунчиликда мавжуд бўлмаган. Ушбу атама “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунда алоҳида ажратиш кўрсатилди. Бунга қадар эса маъмурий ҳуқуқий муносабатларда бир тарафда давлат бошқаруви органининг иштирок этиши айтиб ўтилар эди. Давлат бошқаруви органлари эса ижро ҳокимиятига мансуб, фаолияти қонуности характерига эга ҳамда ижро ва фармойиш бериш фаолияти, яъни давлат бошқарувини амалга оширишга қаратилган давлат органларининг тизимидир. Булар Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар, инспекциялар ва марказлар, шунингдек маҳаллий ижро ҳокимияти органларини қамраб олади.

Маъмурий ҳужжат оммавий ҳуқуқий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ. Бу дегани маъмурий органлар ва хусусий шахслар ўртасида турли мазмундаги шартномалар ҳам тузилиши мумкин. Масалан, бирор маъмурий орган билан бирор юридик шахс ўртасида хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш бўйича шартнома тузилса, бу муносабатни оммавий ҳуқуқий муносабат деб бўлмайди. Бу ҳолатда маъмурий орган юридик шахс билан тенг субъект сифатида фуқаровий-ҳуқуқий муносабатга киришади.

Маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш билан боғлиқ муносабатлар маъмурий-ҳуқуқий муносабат ҳисобланади. Унда тарафлар ўзаро тенг эмас. Бунинг сабаби маъмурий орган ва хусусий шахс маъмурий ҳужжатни қабул қилишда шартнома тузишдаги сингари бир-бирига шартлар кўя олмайди. Аммо, маъмурий орган ва унинг мансабдор шахслари ишни мазмунан қонун талаблари доирасида ҳал этишлари керак.

Маъмурий ҳужжат юқорида таъкидлангани сингари оммавий ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиради. Масалан, лицензия бериш ҳақидаги маъмурий ҳужжатнинг қабул қилиниши маъмурий органларнинг хусусий шахслар фаолиятида лицензия талабларига риоя этилишини назорат қилиш билан боғлиқ муносабатни вужудга келтиради.

Айрим маъмурий ҳужжатлар оммавий ҳуқуқий муносабатларни ўзгартиради. Бунга мисол қилиб маъмурий органнинг фуқарони унинг аризасига кўра ногиронлик пенсиясидан ёшга доир пенсияга ўтказиш тўғрисидаги қарорини келтириш мумкин.

Айрим маъмурий ҳужжатлар эса оммавий ҳуқуқий муносабатларни бекор қилади. Масалан, маъмурий органнинг хусусий шахснинг лицензисини бекор қилишга қаратилган маъмурий ҳужжати лицензия талаб этиладиган фаолият билан шуғулланишни тўхтатишга олиб келади.

- ***Маъмурий ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш, уни бекор қилиш, ўзгартириш ёки ҳақиқий эмас деб топиш тартиби қандай?***

Маъмурий ҳужжат муайян давр оралиғида юридик кучга эга бўлади. “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг 58-моддасида маъмурий ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш асослари белгилаб берилган. Унга кўра маъмурий ҳужжатнинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

1. Агар маъмурий ҳужжат муддатли хусусиятга эга бўлса, маъмурий ҳужжатнинг амал қилиш муддати ўтиши;
2. Маъмурий ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш билан боғлиқ шартнинг юзага келиши;
3. Маъмурий ҳужжатнинг бекор қилиниши;
4. Тартибга солиш предметининг барҳам топиши муносабати билан тугатилади.

Агар маъмурий ҳужжат муддатли хусусиятга эга бўлса, маъмурий ҳужжатнинг амал қилиш муддати ўтиши маъмурий ҳужжатнинг амал қилиши тугатилади. Масалан, лицензия 5 йилга берилади. Ушбу муддат маъмурий ҳужжатда кўрсатиб қўйилади.


Маъмурий ҳужжат унда белгилаб кўйилган шартнинг вужудга келиши натижасида амал қилиши тугайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда лавозимларга сайланган, тайинланган, тасдиқланган фуқаролар, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) — мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга, шунингдек давлат ҳокимияти органларига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга таклиф этилаётган юқори малакали мутахассислар, тор ихтисосликдаги мутахассислар тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра, шунингдек уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) — мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга Тошкент шаҳрига доимий прописка қилинади. Доимий пропискада бўлиш шarti – бу юқоридаги органлар ва ташкилотларда меҳнат фаолиятини олиб боришдир.

Маъмурий ҳужжатнинг бекор қилиниши учун алоҳида талаблар мавжуд.

Тартибга солиш предметининг барҳам топиши муносабати билан тугатилиши маъмурий ҳужжат қаратилган ижтимоий муносабатнинг тугаши билан боғлиқдир. Масалан, агар автомобил ёниб кетса, унинг техник паспортининг амал қилиши ҳам тугайди. Чунки, техник паспорт айнан ёниб кетган автомобилга тегишлидир.

Маъмурий ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш унинг асосида берилган ҳужжатлар амал қилишининг тугатилишига олиб келади. Масалан, лицензия бериш тўғрисидаги маъмурий ҳужжатнинг амал қилишининг тугаши унинг асосида берилган лицензия гувоҳномасининг ҳам амал қилишини тугашига сабаб бўлади.

*Маъмурий ҳужжатни бекор қилиш, ўзгартириш ёки ҳақиқий эмас деб топиш тартиби қандай амалга оширалади?* Маъмурий ҳужжатни бекор қилиш, ўзгартириш ёки ҳақиқий эмас деб топиш асослари “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг 59-моддасида бериб ўтилган. Унга кўра, маъмурий ҳужжат манфаатдор шахснинг аризаси ёки маъмурий шикоятига кўра маъмурий ҳужжатни қабул қилган маъмурий орган, юқори турувчи маъмурий орган томонидан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органлар томонидан ҳам бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.



Демак, маъмурий ҳужжат манфаатдор шахсларнинг аризасига кўра ёки шикоятига кўра бекор қилинади. Бундан бошқа шахслар уни бекор қилишини сўраб мурожаат этолмайди.

Шунингдек, маъмурий ҳужжатни қабул қилган маъмурий орган ўз ташаббусига кўра уни бекор қилиш ёки ўзгартирилиши мумкин. Бунинг учун қуйидагилар асос бўлиши мумкин:

1. Қонун ҳужжатларидаги ўзгартишлар;
2. Жамоат манфаатларига бўлган таҳдиднинг олдини олиш;
3. Маъмурий ҳужжатнинг қонун ҳужжатларига номувофиқлиги;
4. Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларида маъмурий ҳужжатнинг фақат суд тартибида бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкинлиги ҳоллари назарда тутилиши мумкин.

Маъмурий ҳужжат қонун ҳужжатларига мувофиқ эмас деб топилган тақдирда, у маъмурий орган томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши керак.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, манфаатдор шахснинг ишончи ҳимоя қилиниши лозим бўлган ҳолларда, маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласи суд тартибида кўриб чиқилади.

### **Ёдда тутинг!**

Виждонан ҳаракат қилувчи манфаатдор шахсларнинг маъмурий ҳужжатга бўлган ишончи қонун билан қўриқланади.

Фуқаро маъмурий ҳужжатнинг қабул қилинишида унинг қонуний эканига ишонч билдирган ва ишончи доирасида виждонан ҳаракат қилган ҳолларда маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ва ўзгартиришда унинг ишончи ҳимоя қилинади. Яъни, агар манфаатдор шахс маъмурий ҳужжатнинг қонуний кучига ишониб, маъмурий ҳужжат асосида олинган мол-мулкдан фойдаланган, ўз мулкани тасарруф этиш учун битим тузган ёки маъмурий ҳужжатда белгиланган наф ва имтиёзлардан бошқача тарзда фойдаланган бўлса, унинг ишончи ҳимоя қилиниши лозим. Бунда фуқаро олинган мол-мулкдан фойдаланган, ўз мулкани тасарруф этиш учун битим тузган ёки маъмурий ҳужжатда белгиланган наф ва имтиёзлардан бошқача тарзда фойдаланган бўлса, улар фуқародан қайтариб олинмаслиги керак.

Бунда бир нарсага эътибор қаратиш керак. Айрим қонунда назарда тутилган вазиятларда манфаатдор шахсларнинг ишончи ҳимоя қилинмайди. Бундай вазиятларда қуйидагилар киради:

1. Манфаатдор шахс маъмурий ҳужжат билан боғлиқ бўлган қўшимча мажбуриятларини бажармаган бўлса;
2. Манфаатдор шахс ўзига маъмурий ҳужжат асосида тақдим этилган пул маблағларидан, буюмдан ёки ҳуқуқдан мақсадли фойдаланмаган бўлса;
3. Манфаатдор шахс маъмурий ҳужжатнинг ғайриҳуқуқийлигини билган ёки ўз айбига кўра бу ҳақда билмаган бўлса;
4. Маъмурий ҳужжат алдаш, таҳдидлар ёки маъмурий органга бошқача тарзда ғайриҳуқуқий таъсир кўрсатиш оқибатида қабул қилинган бўлса;
5. Қонун манфаатдор шахслар ишончининг ҳимоясини ҳисобга олмаган ҳолда маъмурий ҳужжатни бекор қилишни талаб этса.

Демак, юқоридагилардан ташқари барча ҳолларда манфаатдор шахсларнинг маъмурий ҳужжатга бўлган ишончи ҳимоя қилинади. Ишончни ҳимоя қилиш ҳолатларида манфаатдор шахсга маъмурий ҳужжатнинг қонуний кучига ишониш сабабли келиб чиққан ёки муқаррар бўлган мулкӣ зарарнинг ўрни қопланади. Бу манфаатдор шахснинг ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга олиб келади.

Бунда қайд этиш лозимки, мулкӣ зарарнинг ўрнини қоплаш маъмурий ҳужжатнинг мазмунига кўра манфаатдор шахс олиши керак

бўлган наф микдоридан ошмаслиги керак. Мулкий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаб манфаатдор шахс маъмурий ҳужжат бекор қилинганлиги ҳақида хабардор қилинган пайтдан эътиборан бир йил ичида тақдим этилиши мумкин.

Юқоридагилардан ташқари яна бир нарсани таъкидлаш жоиз. Манфаатдор шахснинг ишончидан қатъи назар, қонун ҳужжатларига мувофиқ эмас деб топилган маъмурий ҳужжат, агар унинг сақлаб қолиниши жамоат манфаатларига таҳдид солаётган бўлса, маъмурий орган томонидан бекор қилиниши мумкин. Яъни, бундай ҳолда маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ва ўзгартириш суд тартибида кўриб чиқилиши шарт эмас. Маъмурий ҳужжатни қабул қилган маъмурий органнинг ўзи уни ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақли. Бироқ, маъмурий органнинг қароридан норози манфаатдор шахс судга шикоят қилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинган маъмурий ҳужжат куйидаги ҳолларда маъмурий орган томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин:

1. Қонун талабларига мувофиқ ёки бундай имконият бевосита маъмурий ҳужжатнинг ўзида назарда тутилган бўлса;

2. Агар кейинчалик ўзгарган ҳақиқий ҳолатлар туфайли ёки қонун ҳужжатларидаги ўзгартишлар асосида жамоат манфаатларига зарар етишининг олдини олиш мақсадида маъмурий ҳужжатни бекор қилиш зарур бўлса;

3. Агар маъмурий ҳужжат билан кўшимча мажбуриятлар боғлиқ бўлса ва манфаатдор шахс уларни бажармаган бўлса.

4. Агар манфаатдор шахс маъмурий ҳужжат асосида ўзига берилган пул маблағларидан, буюмдан ёки ҳуқуқдан мақсадли фойдаланмаётган бўлса.

5. Агар маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартириш ушбу ҳужжат юборилган манфаатдор шахс фойдасига амалга оширилса ва бунда бошқа манфаатдор шахсларга қийинчилик туғилмаса.

Худди шундай мазмундаги маъмурий ҳужжатни такроран қабул қилиш учун бошқа асослар мавжуд бўлган ҳолларда, маъмурий ҳужжатни тегишли асосларда бекор қилишга ёки ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Илгари қабул қилинган маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги маъмурий ҳужжатни қабул қилаётганда маъмурий орган бекор қилинаётган ёки ўзгартирилаётган маъмурий ҳужжатнинг қайси қисми ва қайси вақтдан эътиборан ўз кучини йўқотишини белгилаши керак.

Маъмурий ҳужжат қонунда белгиланган тартибда суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилгани мумкин. Ҳақиқий эмас деб топилган ҳолда, маъмурий ҳужжат у қабул қилинган пайтдан эътиборан ҳақиқий

хисобланмайди. Фақатгина суд маъмурий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

*Маъмурий ҳужжатни бекор қилиш қандай тартибда амалга оширилади?* Маъмурий ҳужжатни бекор қилиш тартиб-таомили “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг 60-моддасида тартибга солинади. Унга кўра маъмурий ҳужжатни манфаатдор шахс фойдасига бекор қилиш мажлис ўтказмасдан амалга оширилиши мумкин. Бундан шундай мантиқий хулоса келиб чиқадики, агар маъмурий ҳужжат манфаатдор шахс фойдасига эмас, балки унинг зарарига қабул қилинадиган бўлса, маъмурий орган томонидан мажлис ўтказмаган ҳолда маъмурий ҳужжатни бекор қилиш мумкин эмас.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, баъзида маъмурий ҳужжатлар бир манфаатдор шахснинг фойдасига, бошқа шахснинг манфаатига эса зид равишда бекор қилинаётган бўлса, маъмурий орган томонидан мажлис ўтказмаган ҳолда маъмурий ҳужжатни бекор қилиш мумкин эмас.

Маъмурий ҳужжат бекор қилинган тақдирда унинг асосида берилган ҳужжатлар, буюмлар ва пул маблағлари уларга эгалик қилаётган шахслар томонидан қайтариб берилиши лозим.



Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, қонун фақатгина маъмурий ҳужжатни қабул қилишни эмас, балки маъмурий ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш, уни бекор қилиш, ўзгартириш ёки ҳақиқий эмас деб топиш тартибини ҳам белгилаб беради. Маъмурий ҳужжат маъмурий ҳужжатни қабул қилган маъмурий орган, юқори турувчи маъмурий орган томонидан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда

бошқа органлар томонидан ҳам бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Бунга манфаатдор шахснинг аризаси ёки маъмурий шикояти асос бўлади.

### **Назорат саволлари:**

1. Маъмурий ҳужжатлар деганда қандай ҳужжатларни тушуниш керак?
2. Маъмурий ҳужжатларнинг ўзига хос қандай хусусиятлари мавжуд?
3. Маъмурий ҳужжатларни кимлар қабул қилиши мумкин?
4. Маъмурий ҳужжатлар фуқароларнинг ҳуқуқларига дахл қилиши мумкинми? Мисоллар келтиринг.
5. Маъмурий ҳужжатларнинг ёзма тарзда қабул қилинишининг қандай ижобий жиҳатлари мавжуд?
6. Маъмурий ҳужжатнинг шакли ва мазмуни ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?
7. Маъмурий ҳужжатнинг мазмунига қандай талаблар қўйилган?
8. Маъмурий ихтиёрийликка асосланган ҳолда қабул қилинадиган маъмурий ҳужжат мазмунан бошқа маъмурий ҳужжатлардан қандай фарқланади?
9. Маъмурий ҳужжат амал қилишининг тугатилиш тартиби қандай?

#### IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

##### 1-амалий машғулот. Маъмурий ҳуқуққа нисбатан янгича ёндашув – илмий-ҳуқуқий янгиликлар

###### 1-топширик

Фуқаро Б. нодавлат ўқув маркази очиш мақсадида лицензия олиш учун Вазирлар Маҳкамасининг нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссиясига тегишли ҳужжатларни тақдим этди. Лекин Вазирлар Маҳкамасининг нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссияси лицензия беришга оид мазкур ишни кўриб чиқиб сабабларини келтирган ҳолда лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Фуқаро Б. лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб, 7 кун ичида қайта кўриб чиқишга тақдим этди. Вазирлар Маҳкамасининг нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссияси томонидан яна қайта йиғим тўлаш ва рад этиш тўғрисида қарорда кўрсатилмаган бошқа камчиликларни сабаб қилиб 30 кун мобайнида яна рад қилиш тўғрисида қарор чиқарди.

*Мазкур ҳолатни қуйидаги саволлар асосида таҳлил қилинг.*

**2-амалий машғулот. Маъмурий ҳуқуқда маъмурий орган ва хусусий шахсларнинг ҳуқуқий мақоми**

1. Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти ва ҳуқуқий фанлари тизимида тутган ўрнини қисқача асослаб беринг.




1.

2. Маъмурий ҳуқуқ субъектлари кимлар?



3. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар, уларнинг турлари.



4. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар нима ва уларга мисоллар келтиринг.



### 3-амалий машғулот. Маъмурий тартиб-таомиллар

Казус	Амалдаги қонун ҳужжатлари асосида таҳлил қилинг	Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги Қонун асосида таҳлил қилинг	Хулоса
<p>Фуқаро В.Артиқов ўзи яшаб турган Чилонзор туман Шарқ кўчаси, 8-уй, 12-хонадонда турган жойи бўйича вақтинчалик рўйхатдан ўтиш мақсадида дастлаб турар жойнинг ёхуд унинг бир қисмининг ижара шартномасининг нотариал тасдиқланган нусхаси зарурлигини билган ҳолда ижара шартномасини тузиш учун мазкур ҳудуд паспорт ишларини юритиш бўйича ходимга “17-шакл” маълумотномасини олиш учун мурожаат қилди. Паспорт ишларни юритиш бўйича ходим “17-шакл” маълумотномасини тўлдириб берди ва тасдиқлаш учун муҳр хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ходимида эканлигини айтди.</p> <p>Фуқаро В.Артиқов “17-шакл” маълумотномасини тасдиқлатиш учун хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ходимига мурожаат қилган вақтда ходим фуқаро В.Артиқовга Чилонзор туман Шарқ кўчаси, 8-уй, 12-хонадоннинг коммунал тўловлардан қарздорлиги борлиги учун муҳр босиб бермаслигини билдирди. Бундан норози бўлган фуқаро В.Артиқов қарздорлиги бор хонадонларга маълумотномани тасдиқлаб бермасликнинг ҳуқуқий асосини сўраганида юқоридан шундай топшириқ берилганлиги ва Чилонзор туман Шарқ кўчаси, 12-хонадон, 8-уй жойлашган маҳалла фуқаролари йиғини ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг ўзаро келишган ҳолда тасдиқлаган ҳужжатини кўрсатди.</p> <p><b>Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.</b></p>			

**4-амалий машғулот. Давлат фуқаролик хизматини ҳуқуқий тартибга солиш**

**1-топширик**

Давлат хизмати – бу .....



Давлат хизматчиси қандай шахс?



**2-топширик**

Давлат хизматчилари қандай вазифалар билан банд бўладилар?

“Давлат хизмати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш қайси ҳужжатда назарда тутилган?

**5-амалий машғулот. Маъмурий ҳужжатни қабул қилиш,  
ўзгартириш, бекор қилиш ва ҳақиқий эмас деб топиш масалалари**

**1-топшириқ**

Маъмурий ҳужжатнинг хусусиятларини сананг.

---

---

---

---


---

---

---

**2-топшириқ**

Маъмурий ҳужжатни бекор қилиш қандай тартибда амалга  
оширалади?



## **6-амалий машғулот. Маъмурий суд ишларини юритиш мавзусини ўқитишда амалий материаллардан фойдаланиш технологиялари**

2013 йилнинг ёзида Тошкент шаҳри Олмазор туманида яшовчи фуқаро Б.Комилов ўзига қарашли ер участкасида олти хонадан иборат турар жой биноси қурди. Орадан ўн йил ўтгач фуқаро Комилов К.нинг ҳовлиси жойлашган ҳудуддан автомобиль магистрал йўли қуриш лойиҳаси давлат дастурига киритилди.

Мазкур ҳолат бўйича ҳокимият вакили фуқаро Б.Комиловга қарашли ер ўрнига бошқа ер берилишини, уй-жой қуриш учун эса маблағ берилмаслигини таъкидлаб ўтди. Сабаби фуқаро Б.Комиловнинг турар жойи қонунчилик талабаларига жавоб бермаслигини айтиб, асос қилиб Уй-жой кодексининг 9-модда (*Фуқароларнинг доимий яшашига мўлжалланган, белгиланган санитария, ёнғинга қарши, техник талабларга жавоб берадиган, шунингдек белгиланган тартибда махсус уйлар (ётоқхоналар, вақтинчалик уй-жой фонди уйлари, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-уйлар, шунингдек болалар уйлари ва бошқа махсус мақсадли уйлар)*) сифатида фойдаланишга мўлжалланган жойлар турар жой деб ҳисобланади)сини келтириб ўтди. Яъни унинг турар жойи белгиланган санитария талабларга жавоб бермаслигини кўрсатиб ўтди. Фуқаро Б.Комилов турар жойида санитария талабларини ёмонлигини бир қанча сабабларини айтиб ўтди:

биринчидан, унинг кўчасига асфалт ётқизилмаганлиги;

иккинчидан, канализация тизими ишдан чиққанлиги;

учинчидан, уйига яқин жойда сочиқ ишлаб чиқарувчи завод борлиги.

Ўз навбатида. фуқаро Б.Комилов Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 20-моддасига кўра, туман ҳокими аҳолини оқилона жойлаштириш, муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш масалаларини ҳал этишга мажбур эканлигини таъкидлаб ўтди.

Туман ҳокимияти турар жой биноси ичида санитария талабларини бажариш фуқаро томонидан шахсан бажарилишини, ташқи таъсирларни бунга алоқаси йўқлигини таъкидлаб ўтди. Бундан норози бўлган фуқаро Б.Комилов судга шикоят қилди.

### ***Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.***

1. Мазкур казус доирасида ишда иштирок этувчи шахслар доирасини белгиланг.

2. Мазкур казус доирасида қандай далиллар тақдим этиш мумкинлигини таҳлил қилинг.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Амалий йўналтирилган, кўникма ва малакаларни мустаҳкамловчи услублар ўз хусусиятларига кўра инновацион ҳисобланади. Уларга: ташкилий-фаолиятли ўйинлар (ТФЎ), ишчан ва ролли ўйинлар, персоналларнинг мулоқоти, ижодий ишлар, психотехника, ролли тренинг, “Case-study” ва бошқалар киради. “Case-study” – турли вазиятларнинг тавсифидан, яъни кейслардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларда аниқ кўникмаларни шакллантириш техникасидир

*Кейс* — бирор ташкилотдаги қандайдир аниқ реал вазиятнинг ёзма тавсифидир. Ундан фойдаланиш мобайнида ўқувчилардан вазиятни таҳлил қилиш, муаммонинг моҳиятини кўриб чиқиш, мумкин бўлган вариантларни таклиф этиш ва улардан энг мақбулини танлаш сўралади.

Ихтиёрий *кейс* ўқитувчига, уни таълим жараёнининг ихтиёрий босқичларида, жумладан, ўқитиш ва унинг натижаларини назорат қилиш мобайнида фойдаланиш *имкониятини* беради.

### 1-масала

Фуқаро Б. нодавлат ўқув маркази очиш мақсадида лицензия олиш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига тегишли ҳужжатларни тақдим этди. Лекин Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси лицензия беришга оид мазкур ишни кўриб чиқиб сабабларини келтирган ҳолда лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Фуқаро Б. лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб, 7 кун ичида қайта кўриб чиқишга тақдим этди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан яна қайта йиғим тўлаш ва рад этиш

тўғрисида қарорда кўрсатилмаган бошқа камчиликларни сабаб қилиб 30 кун мобайнида яна рад қилиш тўғрисида қарор чиқарди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

Ушбу муаммоли вазиятни ҳал этишда маъмурий тартиб-таомилларнинг қайси принципларидан фойдаланиш мумкин.

## 2-масала

Фуқаро Д. яқин қариндошининг ўлими сабабли Францияга бормоқчи бўлди. У барча керакли ҳужжатларни йиғиб, турар жойи бўйича ИИВнинг хорижга чиқиш ва кириш ҳамда фуқароликни расмийлаштириш туман бўлимига мурожаат қилди. Ушбу бўлим ходими фуқаро Д.нинг мурожаати 15 иш кунида кўриб чиқилишини айтди. Лекин фуқаро Д. дафн қилиш маросими усиз ўтмаслигини ва у айтилган жойга тезроқ бориши лозимлигини тушунтирди. Бўлим ходими фуқаронинг бу мурожаатини рад этиб, ҳозирда бўлимда иш кўплигини ва қандайдир текшириш ўтказиш кераклигини тушунтирди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

Мазкур казусни ечишда Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг аҳамиятини таҳлил қилинг.

## 3-масала

Фуқаро Шодмонов янги квартира харид қилганидан сўнг уни евроремонт услубида таъмирлаб, бир қатор қулайликларни яратди. Бироқ, орадан бир йил ўтгач, бошқа шаҳарга ишлаш учун кетишга қарор қилди ва квартирани сотиш мақсадида уй жойнинг техник ҳужжатларини тайёрлашга буюртма берди. Туман кўчмас мулк кадастри хизмати инспектори квартирани текшириш натижасида қайта режалаштириш ишлари (перепланировка) амалга оширилганлиги, орадаги тўсиқ олиниши

натижасида ҳаммом ҳожатхона билан бирлаштирилганлиги, деворни олиниши натижасида ошхона ҳажми ҳам кенгайганлигини бироқ ушбу ҳолат ваколатли органлар билан келишилмаганлигини аниқлади ва далолатномада акс эттирди. Бундан ташқари тузилган далолатномада ўзбошимчалик билан 80 литр ҳажмли сув қайнатгич (электронагреватель), кондиционер, полни иситиш қурилмаси ўрнатилганлигини қайд қилди. Фуқаро Шодмонов уй жойнинг техник ҳужжатлари ўрнига кўчмас мулк кадастри хизматидан уй жойни олдинги ҳолатига келтириш ҳақида кўрсатма олди.

Фуқаро Шодмонов ушбу кўрсатмаларни эътироз сифатида квартирада таъмирлаш ишларини амалга оширган қурилиш ташкилотига жўнатди. Пудратчи эътирозни тан олмади ва пудрат шартномада кўрсатилган шартларга қатъий риоя қилган ҳолда ишлар бажарилганлигини кўрсатди. Бундан ташқари қайта режалаштириш ишлари (перепланировка) амалга оширилиши учун рухсатномаларни буюртмачи уй жой мулкдори сифатида олиши лозимлигини кўрсатди. Низони ҳал қилиш мақсадида фуқаро Шодмонов туман ҳокимиятига шикоят қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

Ушбу муаммоли вазиятда маъмурий орган мавжудми? Фикрингизни асослантиринг.

#### **4-масала**

Хитой фуқароси Ли Ван Ўзбекистон Республикасига ўн кунлик хизмат сафарига келиб, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги турар жойлардан бирини ижарага олиб яшай бошлади. Ли Ван ўзи истиқомат қилаётган турар жойнинг участка нозирини В.Каримовга учрашиб, унга ўзини таништириб, ундан вақтинчалик рўйхатга олиниши керак ёки керак эмаслиги тўғрисида сўради. Бунга жавобан участка нозирини В.Каримов Ли

Ванни рўйхатга олиш зарур эмаслигини ва бу ҳақида муайян бир ҳужжат йўқлигини айтди.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

Ушбу қазусдаги ҳуқуқий муносабатлардан келиб, хорижий давлат фуқаросининг маъмурий-ҳуқуқий мақомини таҳлил қилинг.

### **5-масала**

Тошкент ахборот технологиялари университети раҳбарияти Жанубий Кореянинг Инха университети билан ўзаро ҳамкорлик доирасида ушбу университетнинг профессори Жанубий Корея фуқароси Мин Сонгни Тошкент ахборот технологиялари университетида 6 ой мобайнида маъруза машғулотларини олиб боришга жалб этди. Профессор Минг Сонг Ўзбекистонга келиб Тошкент ахборот технологиялари университетида педагогик фаолиятини бошлаганидан 1 ой ўтгач ички ишлар органи томонидан фуқаро Минг Сонгни яшаш манзили бўйича паспорт режими бўйича текширилиши натижасида унинг хатти-ҳаракатига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рухсатномасиз меҳнат фаолиятини амалга ошириш сифатида баҳоланиб уни иш берувчи маблағлари ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органлари томонидан Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юбориш талаби қўйилди.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

### **6-масала**

Тошкент шаҳридаги нодавлат “Profі Education” ўқув маркази инглиз тилини ўқитиш бўйича Буюк Британия фуқароси Raymond Murphuni юқори малакали кадр сифатида 10 ой муддатга ишга жалб қилди. “Profі Education” ўқув маркази раҳбари Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигидан фуқаро Raymond Murphuni Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолияти

билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома ва меҳнат фаолияти ҳуқуқига эгалик тасдиқномаларини олди. Фуқаро Raymond Murphy орадан 2 ой ўтгач “Platon” нодавлат ўқув марказида ҳам меҳнат фаолиятини олиб бора бошлади. Бундан хабар топган Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги мазкур ҳолатни қонунчилик талабларини кўпол равишда бузиш деб топиб рухсатнома Агентлик қарорига кўра бекор қилинди.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

### 7-масала

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги таркибидаги Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармасида бошқарма бошлиғи ўринбосари сифатида ишлаб келаётган Б.Анваров ўз қўл остидаги катта маслаҳатчи лавозимида ишлаб келаётган О. Олимовни дам олиш кунлари ҳам бир неча маротаба ишга жалб қилган.

Бундан норози бўлган О.Олимов юқори турувчи мансабдор шахсга шикоят билан мурожат қилиб Б.Анваровнинг хатти-ҳаракатларидан норози эканини билдирди. У ўз шикоятида Б.Анваров қайниси Б.Ботировнинг илтимосига кўра ушбу лавозимни эгаллаганлигини қайд этиб ўтди. Шунингдек, Б.Ботиров ушбу бошқармада етакчи маслаҳатчи лавозимида ишлаб келаётгани ва ўзи ҳамда Б.Ботиров ўртасида иш билан боғлиқ низо келиб чиққанлиги сабабли Б.Ботиров бошқарма бошлиғи Б.Анваровдан уни дам олиш кунлари ҳам ишга жалб қилишини сўраганини кўрсатиб ўтди. Бундан ташқари О.Олимов ўз шикоятида давлат хизматида қариндош-уруғларнинг давлат корхоналари ва органларида бири иккинчисига бевосита бўйсунувчи ёки унинг назорати остида хизмат қилиши мумкин эмаслигини ҳам айтиб ўтди. Шунингдек, дам олиш кунлари ишга жалб қилишга алоҳида ҳолларда жамоа шартномасида агар у тузилмаган бўлса, касаба уюшмаси ёки ҳодимларнинг бошқа вакиллик органи билан

келишилган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилиши мумкинлигини кўрсатиб ўтди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

Ушбу муаммоли вазиятдан келиб чиқиб давлат хизматида манфаатлар тўқнашуви тушунчасини таҳлил қилинг.

### **8-масала**

2012 йил 16 мартда Тошкент юридик коллежи директори А.Пардаевга Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан 2-даражали адлия маслахатчиси мартаба даражаси берилди. 2016 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири вазифасини бажарувчи шахс А.Олимов ўз лавозимидан озод этилди. 2016 йил 14 мартда Ўзбекистон Республикасининг Олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинланган А.Самадов Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 16 мартдаги мартаба даражаси бериш тўғрисидаги буйруғига эътироз билдирди ва уни бекор қилишни талаб қилди.

Эътирозга асос қилиб Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча академик леций, коллеж ва олий ўқув юртлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига бўйсунуши лозимлигини ҳамда уларнинг раҳбарларига унвон ёки мартаба бериш унинг ваколати эканлигини таъкидлади. 2016 йил 17 мартда эса Ўзбекистон Республикаси адлия вазири мартаба даражаси тўғрисидаги қарорни ўзгартирганини ва бунга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг эътирози сабаб бўлганини билдирди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

Ушбу казусдаги ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқиб, давлат хизматчиларига мартаба даражасини бериш тартибини таҳлил қилинг.

## 9-масала

Аризачи фуқаро Н.Равшанов маъмурий судга ариза билан мурожаат қилди. Аризада Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 40-уйнинг 1/3 қисми унга 2016 йил 20 февраль куни берилган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ ҳақидаги гувоҳномасига асосан тегишли эканини, мазкур уйнинг 1/3 қисми ворислик ҳуқуқи асосида 4 кишига тегишли бўлганлигини, 02.02.2016 йилда Тошкент шаҳар ҳокимининг “Тошкент шаҳрининг марказий қисмида ободонлаштириш ва бузиш ишларини олиб бориш ҳақида”ги 23-сонли қарорига асосан Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 40-уй бузилганлигини маълум қилади.

Аризада, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.05.2016 йилдаги 97-сон қарорига асосан бузилиш ҳудудига тушган ҳудудлардаги уй-жойлар ўрнига турар жойлар берилиши ҳақида кўрсатилган бўлса-да, унинг оиласи асоссиз равишда уй-жой билан таъминланмасдан қолиб кетганлигини, бу ҳолат юзасидан бир неча мартаба ҳокимиятга мурожаат қилганлигини, лекин фойдаси бўлмаганлигини, ундан ташқари мазкур хонадонда доимий рўйхатда турмаганлар уй-жой билан таъминланганлигини, лекин у 3 нафар вояга етмаган фарзандлари билан уй-жойсиз қолиб кетганлигини келтириб ўтди.

Фуқаро Н.Равшанов суддан Яккасарой туман ҳокимияти зиммасига Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 40-уй бузилганлиги муносабати билан уни уй-жой билан таъминлаш мажбуриятини юклашни сўради. Бироқ, аризачининг талаблари қаноатлантириш суд томонидан рад этилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

Ушбу муаммоли вазиятдан келиб чиқиб маъмурий актга қўйилган талабларни таҳлил қилинг.

## 10-масала

Фуқаро А.Салимов маъмурий судга ариза билан мурожаат қилган. Аризада келтирилишича, Тошкент шаҳар Сергели тумани ҳокимининг

1992 йил 3 декабрдаги 1054-р-сонли фармойиши билан тасдиқланган “Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш комиссиясининг 1992 йил 27 ноябрдаги 15-сонли йиғилиши баённомасининг 122-бандида Сергели тумани, Сергели-7 даҳаси, 30-уй, 50-хонадон Салимов Алимардон Туракулович номига хусусийлаштирилган, лекин хусусийлаштириш вақтида унинг исми ва шарифи “Салимов Алмардон Тўракулович” деб нотўғри ёзилган.

Салимов Алимардон Туракулович хонадон унга васият қилиб қолдирганлигини, хусусийлаштиришга доир ҳужжатларда А.Салимовнинг исм-шарифи нотўғри ёзилганлиги сабабли меросни расмийлаштира олмаётганлигини, шу сабабли Сергели тумани ҳокимиятига Сергели тумани ҳокимининг 1992 йил 3 декабрдаги “Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш комиссиясининг 1992 йил 27 ноябрдаги 15-сонли йиғилиш баённомасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 1054-р-сонли фармойишига ўзгартириш ҳақида ариза билан мурожаат қилганлигини, лекин Сергели туман ҳокимининг 2015 йил 10 декабрдаги №К-478-сонли жавоб хати билан қарор ва фармойишларга ўзгартириш талаби қарорда кўрсатилган шахс томонидан асослангани ёзилган аризага асосан киритилиши лозимлиги, унинг қарорларга ўзгартириш киритиш ҳақида мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжуд эмаслигини кўрсатиб унга рад жавоби берилган.

Фуқаро А.Салимов суддан Сергели туман ҳокимияти зиммасига Сергели тумани ҳокимининг 1992 йил 3 декабрдаги “Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш комиссиясининг 1992 йил 27 ноябрдаги 15-сонли йиғилиши баённомасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 1054-р-сонли фармойишига “Алмардон Тўракулов” сўзларига “Алимардон Туракулович” деб тузатиш киритиш мажбуриятини юклашни сўради.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

Ушбу муаммоли вазиятдан келиб чиқиб маъмурий актни бекор қилиш, ўзгартиш киритиш ва ҳақиқий эмас деб топиш тартибларини таҳлил қилинг.

### **11-масала**

Фуқаро С.Умаров Чехия Республикаси Прага университетининг иқтисодиёт факультетини битириб, Ўзбекистон Республикасига қайтди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясига мурожаат қилиб, таълим олганлиги тўғрисида ҳужжатни тан олиш, нострификация (эквивалентлигини рўйхатга олиш) қилиш ва тегишли ҳужжатни беришни сўради. Бунга жавобан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси бу соҳада масалаларни кўриб чиқиш ваколатига эга эмаслигини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат Тест Марказига мурожаат қилиш кераклигини тушунтирди. Давлат Тест Маркази унинг аризасида диплом ва иловаси нотариал таржима қилинмаганлиги сабабли унинг ҳужжатларини қабул қилишни рад этди. Фуқаро С.Умаров бунга эътироз билдириб, бирор бир ҳужжат етишмаса, у аризачига қайтариб берилиши керак эмас деб тушунтирди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

Ушбу муаммоли вазиятни ҳал этишда маъмурий низоларни ҳал этишнинг маъмурий ва суд тартибини тушунтириб беринг.

### **12-масала**

Тошкент ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси фуқаро В. жавобгар Тошкент шаҳар Яккасарой туман чақирув комиссиясига нисбатан туман чақирув комиссиясининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилади. Тошкент шаҳар Яккасарой туман мудофаа ишлари бўлимида ташкил этилган туман чақирув комиссияси томонидан

В. тиббий кўрикдан ўтказилиб, ҳарбий хизматга яроқли деб топилган.

Шунга асосан фукаро В.ни 26.04.2015 йилда сафарбарлик чакирув резерви хизматига олиш ҳақида қарор қабул қилинган. Мурожаатга кўра қарор амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилган ҳолда қабул қилинган. Яъни В. олий таълим муассасасида таҳсил олаётган бўлиб, бу ҳолат туман комиссияси томонидан эътиборга олинмаган. Шу сабабли фукаро В. Тошкент шаҳар Яккасарой туман чакирув комиссиясининг 26.04.2015 йилдаги қарорининг 39/26 бандини ҳақиқий эмас деб топишни сўраб судга мурожаат қилган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

Ушбу муаммоли вазиятни бугунги кундаги маъмурий суд амалиёти билан боғлаб таҳлил қилинг.

### **13-масала**

Озиқ-овқат моллари сотишга ихтисослаштирилган “Ихтиёр” фирмаси савдо комплексини қуришни режалаштирди. Савдо комплексини қурилишининг электро монтаж босқичига келганда лойиҳалаш ва электро монтаж ишларини амалга ошириш учун жалб қилинган “BEST” пудратчи фирмаси объектнинг энергия таъминоти лойиҳа ( қуввати 10 кВтдан ортиқ)сига хулоса олиш учун 2014 йил 21 сентябрь куни ариза (бошқа талаб этилган ҳужжатлар билан бирга) билан «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг ҳудудий бўлимига мурожаат қилди. Ариза қабул қилингандан 12 кун ўтишига қарамасдан «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг ҳудудий бўлими хулоса бермади. “BEST” пудратчи фирмаси директори мазкур ҳолат бўйича 2014 йил 4 октябрь куни «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг ҳудудий бўлими масъул шахсини лойиҳани тасдиқлатмаган ҳолда қуришни монтаж ишларини амалга оширишни бошлашлиги тўғрисида огоҳлантирди ва монтаж ишларини бошлаб юборди. Савдо комплекси бир ойдан сўнг тўлиқ битказилди. “Камол” фирмаси раҳбари электр ўлчагич ўрнатиш ва истеъмолчи сифатида рўйхатга олиш бўйича тегишли органга мурожаат қилди. Лекин, ваколатли орган

савдо комплексини монтаж ишлари Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг худудий бўлими томонидан тасдиқланмаган лойиҳа асосида амалга оширилганлигини асос қилиб, мурожаатни рад этди.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

#### **14-масала**

2014 йил 20 март куни фуқаро Рашидов К. нафақа ёшига етгани муносабати билан туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилди. Ижтимоий таъминот масъул ходими фуқаро Рашидов К.га олиб келиши лозим бўлган хужжатлар рўйхатини тақдим қилди. 2014 йил 10 май куни фуқаро Рашидов К. талаб этилган хужжатларни йиғиб келиб ижтимоий таъминот бўлими ходимига тақдим қилди. Ходим керакли хужжатларни қабул қилиб олгач фуқаро Рашидов К. га бир ойдан кейин келишини айтди. Шу орада Рашидов К. оғир бетоб бўлиб қолди ва икки ой давомида даволанишга тўғри келди. Икки ойдан сўнг туман ижтимоий таъминот бўлимига келди. Бўлим ходими фуқаро кечикканлиги туфайли яна бир ойдан кейин келишини айтди.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

#### **15-масала**

Тергов гуруҳи раҳбари Андижон шаҳар прокуратураси терговчиси Очилов ва гуруҳ аъзолари Андижон шаҳар ИИБ терговчилари Донаев ва Маматовлар томонидан тергов қилинаётган ЖКнинг 167, 184, 189 ва 228-моддалари бўйича қўзғатилган жиноят иши бўйича айбланувчи Сафоевнинг терговчилар ундан пора талаб қилаётганлиги бўйича аризаси асосида ўтказилган тадбир давомида ИИБ терговчиси Маматов пора олаётган вақтида қўлга олинади. ИИБ терговчиси Маматовга нисбатан Андижон шаҳар прокурори томонидан жиноят иши қўзғатилади ва ишга айбланувчи тариқасида жалб қилиниб сўроқ қилинади. Сўроқ давомида у ИИБнинг

бошқа терговчиси Донаев ҳамда шаҳар прокуратураси терговчиси Очилов ҳам шерик эканлиги тўғрисида кўрсатув беради ва шу асосда Донаев ҳам ишга айбланувчи тариқасида жалб қилинади. Ҳимоячининг Очиловни ҳам айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиш ҳақидаги талабига нисбатан шаҳар прокурори прокуратура терговчисига нисбатан жиноят иши қўзғатиш прокуратура органларининг мутлақ ваколати ҳисобланиши ва унга нисбатан жиноят иши қўзғатиш масаласини вилоят прокурори ҳал қилишини маълум қилди.

Масалани жиноят-процессуал қонунчилик ва тегишли қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари асосида таҳлил қилинг.

### **16-масала**

Тошкент шаҳри Олмазор туманида яшовчи фуқаро Комилов К. ўзига қарашли ер участкасида 6 хонадан иборат турар-жой биноси қурди. Орадан 10 йил ўтгач фуқаро Комилов К.нинг ҳовлиси жойлашган ҳудуддан автомобиль магистрал йўли қуриш лойиҳаси давлат дастурига киритилди. Мазкур ҳолат бўйича ҳокимият вакили фуқаро Комилов К.га қарашли ер ўрнига бошқа ер берилишини, уй-жой қуриш учун эса маблағ берилмаслигини таъкидлаб ўтди. Бундан норози бўлган фуқаро Тошкент шаҳри Олмазор туман ҳокимиятига уй қуриш учун маблағ таъминлаш юзасидан мурожаат қилди. Туман ҳокимияти масъул ходими мурожаатни асоссиз деб топиб, сабаб сифатида уйнинг қурилиши рухсатсиз амалга оширилганини маълум қилди.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

### **17-масала**

Қўқон шаҳар солиқ инспекцияси инспектори Ф.Салимов МДХ давлатлар ўртасида ўтказилган Халқаро солиқ симпозиумида 1000 АҚШ доллар миқдорида мукофот олди. Ф.Салимов Ўзбекистон Республикасига

кайтиб келгач, Қўқон солиқ инспексияси бошлиғи К.Наимов ушбу мукофот давлат бюджетига ўтказилиши ҳамда ушбу мукофотни бериши кераклигини маълум қилди. Ф.Салимов эса бошлиғининг ҳаракатидан норози бўлиб, юқори турувчи органга мурожаат қилди. Ўтказилган тадбирда юқори турувчи орган томонидан 800 АҚШ доллар пул мукофотини бюджет даромадига ўтказиб юборилди. Қўқон солиқ инспексияси бошлиғи К.Наимовга нисбатан қаттиқ хайфсан эълон қилинди. 200 АҚШ доллар олган Ф.Салимов қолган мукофотини олиш мақсадида Қўқон шаҳар прокуратурасига мурожаат қилди.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

### **18-масала**

Тошкент шаҳрида жойлашган Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий-ҳарбий теника билим юртида профессор-ўқитувчилик лавозимларини эгаллаб турган ва илмий даражага эга бўлган бошлиқлар таркибидаги С.Намозов белгиланган чегарадаги ёшга тўлган ходим сифатида захирага ёки истеъфога чиқиши лозим бўлсада, у ишлаб туриб пенсия олиш ҳуқуқидан фойдаланиш фикрини билдирди. Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий-ҳарбий теника билим юрти кадрлари агар ишлаб туриб меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган бўлса, иш ҳақи таркибида ва пенсия миқдорида ўзгаришлар бўлиши (иш ҳақининг ярми ва пенсиянинг ярми сақланиши) тўғрисида огоҳлантирди. С.Намозов ўзининг профессор эканлигини ва шу ерда анча йилдан бери хизмат қилаётганлигини айтиб кадрлар бўлимига эътироз билдирди.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

### **19-масала**

Фуқаро А.Ниязов Тошкент давлат юридик университетига ўқишга кириш учун тегишли ҳужжатларни топширди. Унинг ўртоғи Б.Рустамов

А.Ниязовнинг отаси қонун ҳужжатларига мувофиқ хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ички ишлар органи ходими бўлганлигини, бундай ходимларнинг фарзандларига исталган ўқишга имтиҳонсиз кириш имтиёзи мавжудлигини айтиб маслаҳат беришди. А.Ниязов ўзининг бу каби ҳуқуқи борлигида фойдаланиб Тошкент давлат юридик университетига имтиҳонсиз қабул қилишларини талаб қилди. Бирок Тошкент давлат юридик университети маъмурияти мазкур талабни рад этди. Барча фуқаролар тегишли имтиҳондан ўтгандан сўнггина талабаликка қабул қилинишларини тушунтиришди.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

## 20-масала

Фуқаро А. Казаков Тошкент шаҳрида ички ишлар вазирлигининг Кириш ва чиқиш ҳамда фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг ҳудудий бўлинмасида катта инспектор сифатида фаолият юритар эди. А.Казаковнинг укаси С.Казаков Ички ишлар органи тизимига ишга кириш мақсадида тегишли ҳужжатларни тайёрлади. Аммо Ички ишлар органларида фаолият юритувчи кадр бошлиғи С.Казаковнинг мурожаати Меҳнат қонунчилигига мувофиқ эмаслиги ҳамда бу ҳаракатлар мавжуд қонунчиликка зид тўғри келмаслигини асос қилиб, С.Казаковнинг ишга кириш учун тайёрлаган тегишли ҳужжатларини қабул қилишдан бош тортди.

Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

## VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>Маъмурий ҳуқуқ</b>	бу ижро ҳокимиятини ташкил этиш ва маъмурий органларнинг жисмоний ва юридик шахслар билан ўзаро муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари йиғиндисидир	it is a set of legal norms regulating the organization of executive power and the interaction of administrative bodies with individuals and legal entities
<b>Манфаатдор шахс</b>	қабул қилинаётган маъмурий ҳужжат ёки маъмурий ҳаракат қаратилган шахс, шунингдек ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари маъмурий ҳужжатга ёки маъмурий ҳаракатга дахлдор бўлган ёхуд дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахс	the person to whom the adopted administrative document or administrative action is addressed, as well as the person whose rights and legitimate interests are or may be affected by the administrative document or administrative action
<b>Маъмурий органлар</b>	маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар	bodies authorized to administer in the field of administrative and legal activity, including public administration bodies, local executive bodies, citizens' self-government bodies, as well as other organizations and specially formed commissions authorized to carry out these activities
<b>Маъмурий-ҳуқуқий фаолият</b>	айрим жисмоний ёки юридик шахсларга ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳига таъсир кўрсатувчи	management activities that affect individual or legal entities or a group of individuals that are segregated by specific characteristics

	бошқарув фаолияти	
<b>Индивидуал субъектлар</b>	фукаролар, хорижий давлатларнинг фукаролари ва фукаролиги бўлмаган шахслар бўлиб, улар ижро ҳокимияти ва оммавий бошқарув органлари билан қатъий ва доимий ташкилий алоқаларда бўлмайди	citizens, citizens of foreign countries and stateless persons who do not have strict and permanent organizational relations with the executive and public administration bodies
<b>Жамоа субъектлари</b>	бу инсонлар гуруҳи бўлиб, ташқи муносабатларда мустақил субъект сифатида иштирок этадилар; уларни ташкил этиш тартиби ва фаолияти норматив ҳуқуқий актлар билан тартибга солинади	it is a group of people who participate in external relations as an independent subject; the order and activity of their organization are regulated by normative legal acts
<b>Манфаатдор шахс</b>	қабул қилинаётган маъмурий ҳужжат ёки маъмурий ҳаракат қаратилган шахс, шунингдек ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари маъмурий ҳужжатга ёки маъмурий ҳаракатга дахлдор бўлган ёхуд дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахс	the person to whom the adopted administrative document or administrative action is addressed, as well as the person whose rights and legitimate interests are or may be affected by the administrative document or administrative action
<b>Маъмурий органлар</b>	маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар	bodies authorized to administer in the field of administrative and legal activity, including public administration bodies, local executive bodies, citizens' self-government bodies, as well as other organizations and specially formed commissions authorized to carry out these activities

<b>давлат фуқаролик хизмати</b>	давлат органлари ва ташкилотларида оммавий манфаатлар йўлида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳақ тўланадиган касбий фаолияти	Paid professional activity of citizens of the Republic of Uzbekistan in the public interest in state bodies and organizations
<b>давлат лавозими</b>	давлат вазифа ва функцияларини бажариш учун белгиланган доирадаги хизмат вазифа ва мажбуриятларига эга давлат органлари ва ташкилотлардаги лавозим	Positions in state bodies and organizations with service duties and responsibilities within the established limits for the performance of state duties and functions
<b>давлат органи</b>	давлат функцияларини бажариш учун давлат-ҳокимият ваколатларига эга Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига асосан ташкил этилган муассаса	an institution established in accordance with the legislation of the Republic of Uzbekistan with state powers to perform state functions
<b>давлат фуқаролик хизматчиларининг Одоб-ахлоқ қоидалари</b>	давлат фуқаролик хизматчилари эгаллаб турган давлат лавозимидан катъий назар риоя қилиши шарт бўлган касбий хизмат одоб-ахлоқ нормалари, принциплари ва қоидалари ҳамда хизмат хулқ-атвори асосий қоидалари тўплами	a set of norms, principles and rules of professional service ethics and basic rules of professional conduct, which must be followed by civil servants regardless of their public position
<b>маъмурий ҳужжат</b>	маъмурий органнинг оммавий ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиришга, ўзгартиришга ёки тугатишга қаратилган ҳамда айрим жисмоний ёки юридик шахслар учун ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳи учун муайян ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи таъсир	a measure of influence of an administrative body aimed at the creation, modification or termination of public legal relations and causing certain legal consequences for certain individuals or legal entities or for a group of persons classified according to certain specific characteristics

	чораси	
<b>маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат)</b>	маъмурий органнинг қонун ҳужжатлари доирасида йўл қўйилган чоралардан бирини қонунийликка ва мақсадга мувофиқликка ўзи баҳо бериши асосида ўз ихтиёрига кўра қўллаш ёки тегишли чорани қўллашдан воз кечиш ҳукуқи	the right of the administrative body to voluntarily apply or refuse to apply one of the measures taken within the framework of the legislation on the basis of its own assessment of the legality and expediency
<b>маъмурий ҳаракатлар</b>	маъмурий органнинг жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида амалга оширилган, маъмурий ёки процессуал ҳужжат бўлмаган, юридик аҳамиятга эга ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)	actions (inaction) of the administrative body in relation to individuals and legal entities, carried out in the field of administrative and legal activities, without administrative or procedural documents, of legal significance
<b>маъмурий органлар</b>	маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тuzилган комиссиялар	bodies authorized to administer in the field of administrative and legal activity, including public administration bodies, local executive bodies, citizens' self-government bodies, as well as other organizations and specially formed commissions authorized to carry out these activities
<b>Маъмурий юстиция</b>	давлат органлари ва мансабдор шахслар жисмоний ҳамда юридик шахслар ўртасида давлат бошқаруви муносабатларидан келиб чиқадиган маъмурий-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш ва ҳал	system of consideration and settlement of administrative-legal disputes arising from the relations of public administration between state bodies and officials, individuals and legal entities

	этиш тизимидир	
<b>маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат)</b>	маъмурий органнинг қонун ҳужжатлари доирасида йўл қўйилган чоралардан бирини қонунийликка ва мақсадга мувофиқликка ўзи баҳо бериши асосида ўз ихтиёрига кўра қўллаш ёки тегишли чорани қўллашдан воз кечиш ҳукуқи	the right of the administrative body to voluntarily apply or refuse to apply one of the measures taken within the framework of the legislation on the basis of its own assessment of the legality and expediency
<b>Давлат бошқаруви усули</b>	маълум бир соҳада бошқарувни (ижро ҳокимиятини) амалга ошириш ваколатига эга бўлган субъектнинг функцияси ҳисобланади.  Бошқарув усули давлат бошқаруви фаолиятининг мақсадларига эришиш, вазифаларини бажариш ва функцияларини амалга ошириш учун фойдаланиладиган ҳуқуқий воситалар ҳисобланади	is a function of an entity that has the authority to exercise management (executive power) in a particular area. The method of governance is the legal means used to achieve the goals, objectives and functions of public administration
<b>маъмурий органлар</b>	маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар	bodies authorized to administer in the field of administrative and legal activity, including public administration bodies, local executive bodies, citizens' self-government bodies, as well as other organizations and specially formed commissions authorized to carry out these activities

## VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Раҳбарий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.

2. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. Б - 48

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. - 76 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар -Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 37-сон, 375-модда

3. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 51-сон, 575-модда

4. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда

5. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 209-модда

6. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг

мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 49-сон, 578-модда

7. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 611-модда

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

9. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон

10. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018 й., 03/18/457/0525-сон; 07.01.2020 й., 03/20/600/0023-сон.

### **III. Махсус адабиётлар**

1. Ma'muriy huquq: Darslik / X.T. Odilqoriyev, I.Ismailov, N.T. Ismailov va boshq.; prof. X.T. Odilqoriyev va B.E.Qosimovning umumiy tahriri ostida. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2010. – 640 b.

2. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республик Узбекистан Общая часть. Учебник. –Т.: Konsauditinform-Nashr, 2012. – 591 с.

3. С.Муратаев, Б.Мусаев, Д.Артиков. Маъмурий ҳуқуқ ва процесс. Дарслик. ТДЮУ, 2020. -520-б.

4. Ж.Нематов. Маъмурий ҳуқуққа кириш: киёсий-ҳуқуқий таҳлил. Ўқув-услугий қўлланма. “Top Image Media”.2020- 130 б.

5. Верховенство права как фактор экономики: 2-е издание / международная коллективная монография. Под ред.Е.В.Новиковой, А.Г.Федотова, А.В.Розенцвайга, М.А.Субботина. – Москва, Мысль, 2017. - 673с.

6. Нематов Ж. Германия маъмурий процедуралар қонунчилигида текшириш (инквизицион) принципи: киёсий-ҳуқуқий таҳлил.// Илм-фан ва инновацион ривожланиш. – 2018 № 2. – Б. 62-68.

7. Административное право зарубежных стран: учебник / Под ред. А.Н.Козырина и М.А.Шатиной. – М.: Спарк, 2003. – 464с.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. <http://www.lex.uz>
2. <http://www.senat.uz>
3. <http://www.gov.uz>
4. <http://www.my.gov.uz>
5. <http://www.parliament.gov.uz>
6. <http://www.ziynet.uz>

## VIII. ТАҚРИЗЛАР

Д.Артиков ва Ф.Махмудов томонидан тайёрланган Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари учун тайёрланган “Маъмурий-ҳуқуқий фанлар” модули ўқув-услугий мажмуасига

### ТАҚРИЗ

Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари учун Д.Артиков ва Ф.Махмудов томонидан “Маъмурий-ҳуқуқий фанлар” модули бўйича ўқув-услугий мажмуа тайёрланган.

Ўқув-услугий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган.

Мазкур ўқув-услугий мажмуа тингловчиларда маъмурий ҳуқуқ нормаларини қўллаш соҳасида назарий билимлар ва амалий кўникмаларни шакллантириш, шунингдек, маъмурий ҳуқуқни долзарб муаммолар доирасида фанни ўқитишнинг замонавий ёндашувлари бўйича кўникмаларни шакллантириш, муаммоли вазиятларга нисбатан қонунчилиқни излаш ва қўллаш кўникмаларини шакллантириш, мантиқий саволларга ҳуқуқий асослантирилган жавоб бериш кўникмасини шакллантириш ҳамда мустақил

таълим орқали тингловчига билимларни мустақил ўзлаштиришга ёрдам беради.

Ушбу мажмуа Ўқув-услубий мажмуасига қўйилган талабларга тўлиқ жавоб беради ва уни оммавий эълон қилишга тавсия берамиз.

**ТДЮУ Маъмурий ва молния ҳукуки  
кафедраси катта ўқитувчиси**



**Б.Умаров**